

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*

УДК: 947.575.1

Қорабоев Шерзод Раҳимович

“XV асрнинг биринчи ярмида темурийлар давлатининг дипломатик  
алоқалари”

5 А 220201 – Ўзбекистон тарихи мутахасислиги бўйича  
магистрлик академик даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК  
ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар :

Тарих фанлари номзоди

Б. А. Усмонов

ФАРҒОНА - 2012

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>Кириш.....</b>	<b>3-12</b>
<b>1-БОБ. Шохруҳ мирзо хукмронлиги даврида Миср давлати билан ўзаро сиёсий-дипломатик алоқаларининг таракқий этиши.....</b>	<b>13-39</b>
1.1 Шохруҳ мирзо даврида ўзаро дипломатик алоқаларнинг давом этиши... .....	13-25
1.2 Миср ва темурийлар давлатларининг ўзаро алоқаларида “Шохруҳ қисваси” масаласи.....	26-39
<b>2-БОБ. Темурийлар ва Хитой давлатининг ўзаро дипломатик алоқалари.....</b>	<b>40-59</b>
2.1 Амир Темур даврида Хитой давлати билан дипломатик алоқалар.....	40-43
2.2 Амир Темур ворислари даврида Хитой билан дипломатик алоқаларнинг ривож топиши.....	44-59
<b>Хулоса.....</b>	<b>60-66</b>
<b>Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар.....</b>	<b>67-69</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақил давлат сифатида тенглар ичра тенг бўлиб дунёга бўй кўрсатаётган диёримиз халқаро омманинг ҳам эътиборини жалб этиб бормоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон БМТга аъзо бўлди ва ҳамда кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз дунёнинг деярли барча давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Жуда кўплаб давлатларда Ўзбекистон элчихоналари фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, пойтахтимиз Тошкентда ҳам жуда кўплаб давлатларнинг элчихона ва консулхоналари очилган. Буларнинг барчаси Ўзбекистон жаҳон бўйлаб кенг дипломатик алоқалар олиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон дунёнинг барча қитъаларидаги давлатлар билан дипломатик муносабатларни йўлга қўйган. Жумладан, Шарқ давлатлари билан ҳам кенг дипломатик алоқалар йўлга қўйилган. Шарқ давлатларидан Миср, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Таиланд, Индонезия, Ҳиндистон каби давлатлар билан олиб борилаётган дипломатик алоқалар бунга мисолдир. Мана шу дипломатик алоқаларнинг маҳсули сифатида юртимизда кўплаб кўшма корхоналар, фирмалар фаолият олиб бормоқда.

Юқорида санаб ўтилган давлатлар орасида Миср билан олиб борилаётган дипломатик алоқалар алоҳида аҳамиятга эга. Чунки Миср ўз нуфузи билан ислом оламида ўзига хос ўрин эгаллаб бораётган давлатларидан бирига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон ўзининг халқаро мавқеини мустахкамлаб боришида, дипломатиямизни янгидан-янги ютуқларни ўз қўлига киритишида дипломатик муносабатларимиз тарихини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Негаки халқимиз барча соҳаларда бўлгани каби бу соҳада ҳам қадимий тарихга эга. Биз бу борада ҳам “ ... ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз,

халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуролантиришимиз зарур.”<sup>1</sup>  
Чунки, президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек: “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ»<sup>2</sup>.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Магистрлик диссертацияси учун танланган мавзу тарихшунослигимизда айнан биз танлаган шаклда бўлмасада, маълум даражада ўрганилган мавзулардан биридир. Мустақиллик йилларида эса ўрганилаётган мавзуга яқин айрим илмий тадқиқотлар яратилган.

Т. Файзиев ўзининг “Темурийлар шажараси” асарида Амир Темур далагининг Хитой билан сиёсий алоқалари ҳақида қисқача тўхталиб ўтади. 1368 йилда Хитойда давлат тўнтариши бўлиб, ҳокимиятга Мин сулоласи келган эди. Натижада собиқ «мўғул ҳукмдорлар» Хитой худудидан ҳайдаб чиқарилади. Ўрта Осиё тарихининг билимдони академик В. В. Бартольднинг Амир Темур ҳамда Мин сулоласининг тарихий манбаларидан олиб берган маълумотига қараганда, 1387 йилда Амир Темур Мавлоно Ҳофиз номли кишини элчи қилиб Хитойга юборган. Хитой императорига элчи билан бирга бож тариқасида 15 та от ва икки туя жўнатган. Шундан сўнг ҳар йили от ва туялар бож тариқасида жўнатиб турилган. 1392 йилдаги божнинг ёнига бир тўп мато ҳам қўшиб юборилган. Мазкур элчилар Хитойдан қайтаётганда, Хитой императори собиқ мўғул сулоласи ҳукмронлиги даврида Гансу вилоятида ўрнашиб қолган 1200 кишидан иборат мусулмонларни элчиларга қўшиб Самарқандга жўнатган. 1394 йилда Амир Темур Хитойга 200 та от жўнатган. "Шунингдек, Амир Темурнинг Хитой императори номига юборган ёрлиғининг Хитой тилига таржимаси келтирилган. Яна манбада келтирилишича, қайси йилда эканлиги номаълум, Темур тарафидан Хитойга жўнатилган отларнинг сони 1000 га етган. Хитой тарафи ҳам мазкур совғалар эвазига қимматбаҳо тошлар ва қоғоз пуллар жўнатган (қоғоз пуллар элчилар томонидан Хитойнинг ўзида сарф қилинган бўлса керак). Қанчалик тўғри,

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Мулоқот, 1998. № 4, Б. 13

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият -енгилмас куч – Т.:Маънавият. 2008. б. 4.

Хитойдан Темурга биринчи элчи 1395 йилда келган. Элчиларнинг номи Ань Чжи-дао ва Го Цзи бўлган. Элчилар Самарқандга одатдагидек Қашқар ва Фарғона орқали эмас, балки Семиречье орқали келган. Бироқ, мазкур элчиларга Хитойга қайтиш фақат Темур вафотидан сўнг насиб қилган.

Элчиларнинг ушлаб қолиниши, албатта яхшиликдан далолат бермас эди. Хитойда мўғул сулоласи хукмронлигининг тугатилишидан сўнг, ҳокимиятга Мин сулоласининг келиши Хитойдаги мусулмон фуқароларининг аҳволи ёмонлашувига олиб келади. 1398 йилда Хитой императорининг буйруғи билан 100 минг мусулмон фуқароси қатл қилинади. Бу воқеалардан Амир Темур беҳабар бўлган деб бўлмайди. Чунки Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомий ҳамда Гиёсиддин Алиларнинг ёзишича, 1398 йили Амир Темур Хитойга бориб «бутпарастлар»ни қирқиб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Т. Файзиев бу масалани тарихий манбалар асосида қайд қилган.

Б.А. Аҳмедовнинг «Улуғбек» номли тарихий эссесида ҳам темурийлар давлатининг Хитой билан элчилар алмашинувлари ҳақида баён этиб берган.

Амир Темур давлати ва Хитойнинг дипломатик алоқалари ҳақида тарихчи олим В.В. Бартольд ҳам ўз асарларида тўхталиб ўтади. Амир Темурга оид тарихий манбалардан маълум бўлишича, Амир Темур Хитой элчиларини 1397 йил охирида Сирдарё бўйида қишлаётган вақтида қабул қилган эди. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, элчилар кўп тухфалар келтирганлар ва хукмдорнинг марҳаматига сазовор бўлиб, қайтиб кетишга ижозат олганлар. Агар биз хитой элчиларини ушланиб қолганлиги ҳақидаги маълумотни билмаганимизда эди,— деб ёзади В. В. Бартольд,— у ҳолда бу сўзлардан, элчилар Хитойга қайтиб кетганлар, деган фикр келиб чиққан бўларди, албатта.

Шу ўринда айтиб ўтиш мумкинки, Амир Темур давлати тарихига бағишланган деярли барча асарларда, Амир Темур давлатининг Хитой билан алоқаларига маълум даражада тўхталиб ўтилган.<sup>3</sup>

“Амир Темур жаҳон тарихида” деб номланган фундаментал тадқиқотнинг “Миср султонлари билан дипломатик муносабатлар” бўлимида ушбу мавзу бўйича тўлиқ бўлмасида маълумотлар берилган<sup>4</sup>. Бу асарда Амир Темур ва Шохруҳ мирзо даврида темурийлар давлатининг Миср билан дипломатик алоқаларининг пайдо бўлиши, ривожланиб бориши, кескинлашувининг сабаблари каби масалалар тадқиқ этилган. Бу тадқиқотнинг муҳим томони унда араб тилидаги манбаларга асосий эътиборнинг қаратилганлигидир. Натижада маҳаллий тарихий манбалардан етарлича фойдаланилмаганлиги натижасида бир қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Бу мавзу бўйича яна бир тадқиқот А.А. Хасановнинг “Из истории дипломатических отношений Средней Азии с Европой в конце XIV - начале XV вв” номли мақоласидир. Ушбу мақолада Миср билан Амир Темур давлатининг ўзаро элчилик алоқалари масаласига оид қатор қизиқарли маълумотлар берилган. Бу муаллиф ҳам асосан араб тарихчиларининг маълумотларига таяниб иш олиб борган<sup>5</sup>.

Биз танлаган мавзу бўйича айрим тадқиқотлар олиб борилганлиги ҳамда диққатга сазовор фикрлар билдирилганлигидан қатъий назар, мазкур

---

<sup>3</sup> Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. -Т.: Ўқитувчи. 1994; Аҳмедов Б. Амир Темур. -Т.: Абдулла Қодирий нашриёти, 1995; Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. -Т.: Ўзбекистон, 1996; Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур. -Т.: Нур, 1996; Аҳмедов Н. Амир Темур: Ривоят ва ъаъбият. -Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996 ; Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. -Т.: Ўзбекистон, 1997; Дадабоев Х. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. -Т.: Ёзувчи, 1996; Муҳаммаджонов А. Амир Темур ва темурийлар салтанати. -Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1994; Файзиев Т. Темурийлар шажараси. -Т.: Ёзувчи, 1995; Аҳмедов А. Амир Темур ҳақида ҳақиқат// Фан ва турмуш. 1990. № 8-10.

<sup>4</sup> Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Ҳ. Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б. Аҳмедов ва бошқ. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. - Т.: Шарқ, 2001. Б. 113-121

<sup>5</sup> Хасанов А.А. Из истории дипломатических отношений Средней Азии с Европой в конце XIV - начале XV вв. // Востоковедение. Сборник научных трудов ТашГУ.. № 589. Ташкент, 1981. С. 126

муаммо алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида яхлит тарзда ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг асосий мақсади миллий мафкура ва миллий ғоя асосида тарихимизнинг ёрқин саҳифаларидан бири бўлмиш Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар давлатининг Миср билан дипломатик алоқалари муаммосини тарихий манбалар асосида чуқур илмий таҳлил этишдир.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Амир Темур ва миср давлатлари сиёсий-дипломатик алоқаларинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш.
- Амир Темур давлати ва Миср мамлуклари салтанати ўртасидаги дипломатик муносабатларга таъсир этувчи ижтимоий сиёсий вазиятни таҳлил этиш
- Амир Темур давлати ва Миср мамлуклари салтанати ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг ривожланиб бориш динамикасини таҳлил этиш
- Амир Темур ва Миср мамлуклари салтанати ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг натижаларини таҳлил этиш ва шу натижаларга олиб келган омилларни ўрганиш.
- Юқоридаги омилларнинг Шоҳруҳ мирзо ҳукмронлиги даврида қандай ўзгаришларга учраганлигини тадқиқ этиш
- “Шоҳруҳ қисваси” масаласининг пайдо бўлиши ва унинг сабаби ҳамда оқибатларининг таҳлил этиш

**Тадқиқотнинг манбавий асосини** ўрта аср муаллифларининг тарихий асарлари ташкил этади.

Амир Темур давлати ва Миср мамлуклари салтанати ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихини ўрганишда Низомиддин Шомийнинг

“Зафарнома” асари ҳам муҳим аҳамиятга эга<sup>6</sup>. 1402 йили Темур унга ўзининг тарихини аниқ ва содда тилда ёзиб беришни буюрган. Низомуддин Шомий бу асарни 1402—1404 йиллар орасида ёзиб тамомлаган. Асар буюк жаҳонгирнинг ҳокимият тепасига келиши (1370 йил)дан то 1404 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. «Зафар-нома» ҳақиқатан ҳам содда тилда, равон услубда ёзилган; далилий маълумотларга бой. Лекин, Темурнинг ҳаёти мазкур асарда бирмунча (лекин Шарафуддин Али Яздийга нисбатан камроқ) идеаллаштирилган.

Асар Ўзбекистон, Қозоғистон, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда муҳим ва ишончли манбалардан бири ҳисобланади.

Шомий мазкур асарни ёзишда Амир Темурнинг уйғур котиблари томонидан туркий тилда ёзилган «Тарихи хоний» номли шеърӣ асари ва бошқа асл нусха асарлардан фойдаланган.

«Зафарнома»нинг иккита таҳрири мавжуд: 1) 1404 йили Амир Темур Озарбайжон юришидан қайтганда унга тақдим этилган нусха. Номи маълум эмас. 2) Мироншоҳнинг ўғли Мирзо Умарга (1404 йил 26 мартда Амир Темур Қорабоғда эканлигида унга «Ҳалокухон тахти»ни, яъни Фарбий Эрон ҳамда Озарбайжонни инъом қилган) пайтида тақдим қилинган. У юқорида қайд этиб ўтилган биринчи нусхадан деярли фарқ қилмайди. Асар «Зафарнома» деб аталади. Унга айрим услубий тузатишлар киритилган ва дебоча ҳамда Мирзо Умарга бағишланган кичик бир илова (зайл) қўшилган. Шунга қараганда, Низомуддин Шомий умрининг сўнгги йилларида Мирзо Умар хизматида бўлган ва юрти Табризда истиқомат қилган.

«Зафарнома»нинг қўлёзма нусхалари Арманистон (Ереван, Мозандарон)да, Англия, Франция, Ироқ ва Туркия кутубхоналарида сақланмоқда. Асарнинг

---

<sup>6</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома/Форс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир – А. Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники). Ҳофизи Абрунинг «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и – («Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларни тузувчи – О. Бўриев. - Т.: Ўзбекистон, 1996.

матни 1937 ва 1956 йиллари Прагада чоп этилган. Унинг туркча-усмонлича таржимаси (1949 й.) ҳам бор. Ундан айрим парчалар рус ва француз тилларида эълон қилинган.

Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асари Низомиддин Шомийнинг шу номли асари асосида ёзилган. Унинг афзал жиҳати шундаки, Низомиддин Шомий асарида баён этилган воқеаларнинг айримлари оригинал манбалар асосида янги факт ва далиллар билан бойитилган. Ва яна воқеалар баёни 1409 йилгача давом эттирилади. Унинг яна бир муҳим қиммати шундаки, у зўр бадиий услубда ёзилган.<sup>7</sup>

Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида Амир Темурнинг шахси ниҳоятда идеаллаштирилган. Шунга қарамай, унинг шахсияти ва фаолиятидаги қарама-қаршиликлар, яъни унинг бир томондан қаттиққўл эканлиги, иккинчидан эса Мовароуннаҳрдаги тарқоқликка барҳам бериб, марказлашган давлатга асос солганлиги бирмунча ҳаққоний ва тўғри ёритилган.

Шарафуддин Али Яздий асарининг зўр қиммати шундаки, унда Мўғул империясининг таркибида ташкил топган Олтин Ўрда, Элхонийлар давлати, Чиғатой улуси, шунингдек Мовароуннаҳрнинг Чингизхон замонидан то Темур давлатининг пайдо бўлишигача бўлган ижтимоий-сиёсий тарихи қисқа тарзда ёритиб берилган. Асарнинг бу қисми «Тарихи жаҳонгир», ёки «Муқаддимаи Зафарнома» номи билан аталади ва 1419 йили ёзиб тамомланган.

«Зафарнома»нинг асосий қисми, муаллифнинг дастлабки режаларига кўра, уч қисм (мақола)дан иборат бўлмоғи, биринчи қисмда Амир Темур тарихи, иккинчи қисмда Шохруҳ ва ниҳоят, учинчи қисмда Иброҳим султон даврида бўлиб ўтган воқеалар баён этилиши мўлжалланган эди.

---

<sup>7</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари. 1360-1370. /Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Омонулло Бўриев. Масъул муҳаррир, сўз боши муаллифи ва нашрга тайёрловчи Асомиддин Ўринбоев. -Т.: Камалак, 1994.- 288 б;  
Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. /Сўз боши, тадбил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков-Т.: Шарқ, 1997. - 384 б.

Лекин, ҳозир асарнинг биринчи қисмидагина мавжуд холос. Унинг иккинчи ва учинчи қисмлари сақланмаган. Манбашуносларнинг фикрича ёзилмай қолган бўлиши керак. «Зафарнома» нинг асосий қисми 1425 йили ёзиб тамомланган.

Асарнинг кўлёзма нусхалари кўп ва хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда. Ҳиндистон (1885-1888 йй.) Эрон (1957 й.) ва Тошкентда (1972 й.) чоп қилинган. Асар ўзбек, инглиз, француз ва турк тилларига таржима қилинган. Ундан айрим парчалар инглиз ҳамда рус тилларида босилган.

Абдураззоқ Самарқандий Эрон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг XIV—XV асрлардага ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдан, шунингдек, Темурийлар давлатининг кўшни мамлакатлар (Ҳиндистон, Хитой ва б.) билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари тарихидан баҳс юритувчи «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш жойи ва икки азим дарёнинг қўшилиш ери») деб аталувчи асари ҳам бизнинг тадқиқотимиз учун муҳим манбадир<sup>8</sup>.

«Матлаъ ус-саъдайн» икки қисм (дафтар)дан иборат: 1) Элхон Абу Саъид (1316-1335 йй.) давридан то Амир Темурнинг вафоти ва Халил Султоннинг Самарқанд тахтига ўтиришигача бўлган давр (1405 йил) тарихи ва 2) Шохруҳнинг Темурийлар империясининг олий ҳукмдо-ри деб эълон қилиниши (1405 йил)дан то Темурий Абу Саъиднинг ўлдирилиши (1469 йил)гача бўлган тарихи. Асарнинг 1427 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган қисми компиляция бўлиб, Ҳофиз Абрунинг юқорида номи тилга олинган «Мажмуъ ат-таворих» китоби асосида ёзилган. «Матлаъ ус-саъдайн»нинг иккинчи қисми, хусусан унинг 1427-1469 йиллар воқеаларини ўз ичига олган

---

<sup>8</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн. / Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар тарих фанлар номзоди А. Ўринбоевники. -Т.: ФАН. 1969;  
Абдураззоқ Самарқандий Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаи ул-бахрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Ўзбекистон.2008

кисми асл нусха бўлиб, Эрон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг шу давр ичидаги ижтимоий-сиёсий тарихи ва маданий ҳаётини ўрганишда асосий манба вазифасини ўтайди.

Абдураззоқ Самарқандий ва унинг мазкур асари рус ва хорижий мамлакатлар олимлари (Б. А. Дорн, В. В. Бартольд, В. Ф. Минорский, А. Ю. Якубовский, И. П. Петрушевский, Б. Г. Гафуров, А. Ў. Ўринбоев, Б. А. Аҳмедов, М. Е. Катрмер, М. Шармуа, А. Галлан, Муҳаммад Шафёв ва б.) томонидан биринчи даражали тарихий манба сифатида юксак баҳоланган.

«Матлаъ ус-саъдайн»нинг қўлёзма нусхалари Санкт-Петербург, Тошкент, Душанбе шаҳарлари ва хорижий мамлакатлар (Англия, Франция, Ҳиндистон, Эрон ва б.)нинг кутубхоналарида сақланмоқда.

Асарнинг матни (иккинчи дафтари) покстонлик шарқшунос олим Муҳаммад Шафёв тарафидан 1941 ва 1949 йилларда Лохурда чоп этилган. Айрим парчалар рус, инглиз, француз ва турк тилларида эълон қилинган.

Тадқиқотимиз учун яна бир муҳим манба Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” асари ҳисобланади. Ибн Арабшоҳ (1389—1450 йй.) Амир Темур тарихига атаб китоб ёзган тарихшунос олим. Тўлиқ исми-шарифи Шаҳобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим. 1401 йили Амир Темур Шом (Сурия)ни эгаллагандан кейин у онаси, биродарлари билан бирга, бир гуруҳ шом-лик олимлар, меъморлар ҳамда фозил кишилар орасида Самарқандга олиб келинган. Ўша вақтда ибн Арабшоҳ 12 ёшларда эди. У ҳазрат соҳибқироннинг топшириғи билан саройда тарбияланди. Саййид Шариф Муҳаммад Журжоний (1339—1413 йй.) ва Шамсуддин Муҳаммад Жазоирий (1350—1449 йй.)лардан таълим олди; форс, турк ва мўғул тилларини ўрганди. 1403—1436 йиллар ичида кўп мамлакатларга: Хитой, Мўғулистон, Дашти қипчоқ, Кримга борди.

Ибн Арабшоҳ Амир Темурга атаб «Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Теймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») деган катта бир китоб ёзган. Асарда муаллиф Самарқандда саёҳатда бўлган чоғида кўрган ва эшитганлари, замондошла-рининг ҳикоялари асосида олган таассуротларини

ёзади. Лекин, китобнинг кўп жойларида унинг Амир Темурга нисбатан ғарази борлигини сезамиз. Шунга қарамай, асарда Амир Темурнинг феъл-атвори, олижаноб фазилатаари ва фаолиятига холисона ёндашилганини ҳам кўрамиз.

Асарнинг нодир бир нусхаси (1492 йили кўчирилган) Дамашк (Сурия)даги «Аз-Захирия» кутубхонасида сақланмоқда. «Ажойиб ул-мақдур»нинг нашрлари бор. У 1887—88 йили Қоҳирада, кейин Голландияда чоп этилган. Асарнинг тўла ўзбекча нашри 1992 йили У. Уватов тарафидан амалга оширилган<sup>9</sup>.

**Магистрлик тадқиқотининг илмий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, унда Темурийлар ва Миср давлатларининг дипломатик муносабатлари тарихини таҳлил этиш жараёнида Амир Темур, Шохрух мирзоларнинг ҳаёти ва давлатчилик фаолиятини айрим қирралари чуқур ўрганилди ҳамда баъзи масалаларга ойдинлик киритилди.

**Магистрлик тадқиқоти натижалари** ва ундаги хулосалар темурийлар давлати ҳамда дипломатиямиз тарихини ўрганишга ёрдам беради.

---

<sup>9</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи /Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У.Уватов тайёрлаган. Маъсул муҳаррир А.Ўринбоев. -Т.: Мехнат, 1992.

# **1 – боб Шохруҳ мирзо ҳукмронлиги даврида Миср давлати билан ўзаро сиёсий-дипломатик алоқаларининг таракқий этиши**

## **1.1 Шохруҳ мирзо даврида ўзаро дипломатик алоқаларнинг давом этиши**

XIV асрнинг 80-йилларидан бошлаб Амир Темур давлати худуди Эрон бўйлаб ғарб томон кенгайиб бора бошлади. Амир Темурнинг Қора ва Ўрта ер денгизи соҳиллари томон яқинлашиб бориши бирданига бир неча давлатнинг каттиқ қаршилигига дуч келди. Бу давлатлар сифатида Олтин Ўрда, Усмонли турклар давлати ва Миср мамлуклари давлатларини тилга олиш мумкин. Улар Амир Темур давлати чегараларини Европага олиб борувчи сув йўлларига етиб келишини ва ўзларининг бу борадаги воситичилик мавқеларидан ажралиб қолишларини истамас эдилар.

XIV аср охирида вужудга келган муайян халқаро вазият туфайли Осиё, қисман Африка ва Европа худудида Усмонли Туркия, Амир Темур давлати, Миср мамлуклар салтанати ва Олтин Ўрда каби қудратли давлатлар сифатида сиёсий майдонга чиқди.

1382 йили Мисрда ҳокимият тепасига келган Султон аз-Зоҳир Барқук бошлиқ черкас мамлуклари давлати таркибига кирган Сурия, уларга тобеъ Ироқ ва муқаддас саждагоҳлар макони Ҳижоз билан биргаликда қудратли кучга айланган бўлиб Шарқдаги қўшни мамлакатлар учун ҳимоя вазифасини ҳам ўтарди. Шу сабаб қатор мамлакатлар ва амирликлар мамлуклар давлатини эътироф этиб, унинг ҳимоясига умид боғлаган ҳолда мамлуклар давлат билан сулҳ тузишга шошилди.

Марказий Осиёда Амир Темур марказлашган йирик давлат тузиб, унинг ғарбий сарҳадларида нуфузи ошаборгач, бу ҳаракат айниқса кучайди. Амир Темур давлатининг қудрати ва нуфузи орта бориши билан Миср мамлуклар салтанатига кўп қўшнилар мурожаат қилиб, ёрдам сўрай бошладилар. Масалан, Синжар, Қайсария ва Такрийт ҳокимлари 1383 йили

Миср Султониға мактуб йўллаб, хутбани унинг номи билан ўқиганларини билдирганларида Султон Барқук дарҳол уларни ўз ноиблари этиб тайинлади<sup>10</sup>.

Ўз навбатида, айтиш жоизки, бу воқеалар Амир Темурнинг баъзи араб мамлакатлари ҳудудларида пайдо бўлиши билан бир вақтда тўғри келди. Жумладан, 1386 йили Соҳибқирон кўшинлари Табриз шаҳрини қамал қилиб, ундан Қора Юсуф туркманни хайдаб чиқариб, шаҳарни эгаллаганида Ирок ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайс Жалойир бунга кўп ҳам эътибор бермай, мамлакат ичкарасига — Бағдодга чекиниш билан чегараланди. Айни вақтда бу воқеалар яхшиликка олиб келмаслигини ҳис қилиб, туркман Қора кўюнлилар қабиласининг бошлиғи Қора Юсуф ва бир қатор араб йўлбошчилари билан Амир Темурга қарши битим тузди. Бу воқеалар ҳақида Низомиддин Шомий қуйидагича ҳикоя қилади: “Шунга биноан унинг буйруғига кўра ҳар ўн нафар аскардан иккисини танлаб олдилар. Уғрукни қолдириб, тўхтамасдан отга миниб, улар томон жўнадилар. Унинг ишорати билан Бўружардни ва унинг атрофларини таладилар. Хуррамободни вайрон қилдилар ва ўғрию бузғунчиларнинг кўпини ёсоққа етказдилар. Шу кунларда Оқ Темур баҳодир, Умар баҳодир ва Ҳимматнинг ўғли Муҳаммад касалликка чалиндилар. Бу уч баҳодир йигитнинг ҳар бири ажал вақти етиб, фано шарбатини ичдилар. Хожа Али Муайяд ўша жангларнинг бирида ярадор бўлган эди, бир мунча муддатдан кейин шу туфайли у ҳам ўлди. Шу кечмишлар асносида элчилар Султон Аҳмад бир лашкар билан Табризга юзланди, деган хабар келтирдилар. Амир Соҳибқирон шу куннинг ўзидаёқ ўғрукни қолдириб, отландида, Табризга жўнади. То муборак яловлар Табризга боргунча Султон Аҳмад у ерга етишган эди. Аммо у бир ҳафтадан ортиқ тура олмай, яна Бағдод томон қочишни мўлжаллаб, Нахчивон ва Курдистон томон юзланди. Унинг изидан Ҳожи Сайфиддин никомиши қилиб

---

<sup>10</sup> Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Ҳ. Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б. Аҳмедов ва бошқ. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи наشري. - Т.: Шарқ, 2001. Б. 113

кувиб кетди. Илѐсхожа ва амир Шайх Али баҳодир унинг кетидан етиб бориб, каттиқ жанг қилдилар. Икки ёқдан кўп кишилар ярадор бўлдилар. Охири бир-бирларидан йироқлашдилар. Бу жангда Илѐсхожа ярадор бўлди. Сўнгра унинг яраси узоқ бетобликка айланди. Охири сихат топди. Лекин бир оёғи нуқсонли бўлиб қолди. Султон Аҳмад эса Бағдодга кетди. Амир Соҳибқирон ўша ёзни Табриз ва унинг атрофларида ўтказди. Тир мох (ойи)да Нахчивон йўли билан юриб, Қўрум хисорига етди. Жанг қилиб уни олди. Уларнинг Шайх Ҳасан номли бошлиғини (Амир Соҳибқирон) ҳузурига келтирдилар. Сурмори хисорига етгач, яна жанг қилдилар. Охирида уни ҳам эгаллаб, вайрон этдилар. У жамоанинг каттаси Тутон исмли туркман эди, уни кўлга олиб, дарҳол у ердан кўчдиларда, Қарс қалъаси ва хисорига етдилар. Уни ҳар томондан ўраб олдилар. Қарс хисори ғоятда мақкам ва мустаҳкам эди. Унинг Фирузбахт исмли волийси каттиқ жанг қилди. Охирида бўйсуниб, Амир Соҳибқирон ҳузурига келди. Амир унинг кўнглини кўтариб, кўплаб инъому эҳсонларга сазовор этди.<sup>11</sup>»

Шу билан бирга, 1388 йил охирларида Амир Темур кўшинлари Табриздан чиқиб кетганларида Қора Юсуф Миср султони Барқуққа мактуб йўллаб, Табризда унинг номи билан пул зарб этиб, масжидларда унинг номи билан хутба ўқиладганини билдирди ва ўзини Султоннинг Табриздаги ноиби этиб тайинланишини сўради<sup>12</sup>.

Ироқ ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайс бадахлоқлиги билан танилган бўлиб, фисқу фужур ва бузуқликка муккасидан кетган эди. Айни вақтда у ҳоким сифатида мамлакатни ёмон идора қилар эди, ҳаддидан ошиб, ҳатто биродарларига ҳам зулм ўтказиб, харбий бошлиқлар ва амирларни муттасил таҳқирлаб, раъиятга раҳм-шафқат қилмай, ғоят адолатсизлик ва ноқаҳлик билан ҳукм юритарди.

---

<sup>11</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома/Форс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир – А. Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники). Ҳофизи Абрунинг «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и – («Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларни тузувчи – О. Бўриев. - Т.: Ўзбекистон, 1996. Б. 134-135.

<sup>12</sup> Амир Темур жаҳон тарихида. Ўша нашр. Б. 113

Ундан ташқари, Қора Юсуф билан биргаликда карвонларни ва хожиларни талаб, карвон йўлларида қароқчилик ҳам қиларди. Шу боис Бағдод аҳли, нажот излаб Амир Темурга мактуб йўллади ва уни Султон Аҳмадга қарши юришга ундади. Бу ҳақида араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ кўйидагича ҳикоя қилади: “Султон Аҳмад Ироқ ерларига эгалик қилгач, жинойткор қўлини чўзиб, шафкату эзгулик қанотларини йиғиб олди. У ўзига ва раияларига зулм қилиб, кечаю кундузини жабру жафою, фасод ишлари (қилиш) билан ўтказди. Кейин у фиску фужурда меъридаи ошиб, зоҳирона жинойтлару очиқ-ойдин ёвузликлар қила бошлади. У қон тўкишни эзгуликларни талаш ва номусларни таҳқирлашда восита қилди.

Айтишларича, Бағдод аҳли ундан нафратланиб, унинг дастидан Темурдан мадад сўраб арз қилганлар. Натижада, улар (ундан) «шундай сув кўйинглари, у эритилган мис каби юзларни кабоб қилади», қабилида мадад олганлар. (Султон) Аҳмад ақл-хушини йиғиб олишга ҳам улгурмасданоқ, унинг устига бало келиб, тоторлар бостириб келиб, чиғатой аскарларидан суворийлар ва пиёдалар уни янчиб ташладилар. Бу машҳур шаввол (октябрь) ойининг мазкур шанба кунда (бўлган) эди. Душман (Темур) отлиқлари Султон Аҳмад пиёдалари устига ташланиб, шаҳар деворлари томон шитоб билан ёпирилдиларки, бу мавж урган денгиз уларни тўхтатиб қола олмади. Шаҳар аҳли Султон Аҳмад жангчиларига қаратиб камонлардан ўқ отдилар. Султон Аҳмад ўзи учун ягона нажот йўли—қочиш эканлигини фаҳмлади ва ўзи ишонадиганларга бош бўлиб (шаҳардан) чиқди ва Шомга қараб равона бўлди. Бир тоифа ярамас чиғатойликлар уни орқасидан қувлаб кетдилар. Султон Аҳмад коча-қоча уларга хамла қилиб уларни чекинтирар, кейин эса ўзи орқароққа қочиб (қайтиб), уларни жангга чорлар эди. Улар ўрталарида шиддатли жанг бўлиб, икки томондан ҳам кўп одамлар ўлдирилди. Ниҳоят, Султон Аҳмад Ҳилла (шаҳри)га етиб бориб шаҳар кўпригидан Дажла (Тигр) дарёсидан ўтгач, кўприкни бузиб, асирлик кулфатидан халос бўлди. Тоторлар Султон Аҳмадни қувлашда давом этдиларки, оз бўлмаса, уларнинг бурунлари (Султон Аҳмаднинг) думига тегаёзган эди. Чиғатойликлар дарёга

етиб келгач, кўприк бузилганлигини кўрдилар. Шунда улар ўзларини сувга ташлаб, (дарёнинг) нариги қирғоғидан чиқдилар ва Султон Аҳмад қочишини, улар қувлашини давом эттирдилар”<sup>13</sup>.

Устига-устига Султон Аҳмад ўлгудек хасис бўлиб, бир нечта сандикқа жойлаб қўйилган мол-давлати ва жавоҳирларидан хавотирда эди. Ҳаммадан кўра у соқчилари мамлуклардан кўп хавфсирарди. Шу боис ўз бехатарлигидан ташқари, мол-дунёси ва қимматбаҳо бойликларини қай тарзда қутқариш ҳақида мудом бош қотирарди. Шу мулоҳазаларга кўра, ўз иттифокдоши Қора Юсуф ва Дамашкда ҳукм юритаётган мамлуклар билан доимий алоқада бўлиб турди.

Бир гуруҳ махсус навкарларни учқур отлар билан таъминлаб, улар зиммасига ўзи, оила аъзолари ва бойликларини қўриқлашни, зарурат туғилгудек бўлса, қочишга тайёр туришларини топширган. Ўз ҳудудлари чегарасида — пойтахт Бағдоддан 140 километр масофада хабарчи кабутарлар билан ўз кузатувчиларини ҳам қўйганки, уларга Амир Темур қўшинлари яқинлашуви ҳақида Султонни ўз вақтида огоҳ қилиш топширилган эди<sup>14</sup>.

Шу воқеалар жараёнида Амир Темур Мордин ҳокими Маждиддин Исога мактуб йўллаб, уни ўз ҳузурига келишга даъват қилди. Лекин Мордин ҳокими Миср султонининг кўллаб-қувватлашидан умид қилиб, унинг рухсатисиз Амир Темур ҳузурига бора олмаслиги тўғрисида ўз узрини билдирди.

Бундай жавобдан ғазабланган Амир Темур унга иккинчи маротаба хат йўллаб: «Сенинг ерларинг устидан ҳукм юритишга Миср Султонининг ҳеч бир ҳаққи йўқ»<sup>15</sup>, деган узил-кесил фикрни билдирди ҳамда хат йўллашдан мақсад Мордин ҳокими билан дўстона муносабатлар ўрнатиш эканлигини уқдирди. Амир Темур бу холис ниятли мактуб билан бирга қимматбаҳо

---

<sup>13</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи /Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У.Уватов тайёрлаган. Маъсул муҳаррир А.Ўринбоев. -Т.: Меҳнат, 1992. 1-к. Б. 137

<sup>14</sup> Амир Темур жаҳон тарихида. Ўша нашр. Б. 114

<sup>15</sup> Ўша жойда

сарпо, олтиндан ишланган буюмлар, жавоҳирлар ва кўпдан-кўп динарлар ҳам юборди.

Мордин ҳокими юқоридаги мулоқотлар ҳақида Миср Султони Барқуққа хабар етказиш тараддудида бўлганида 1393 йили Амир Темур кутилмаганда орқага қайтиб ғарб томондан Бағдод устига ҳужум қилди.

Султон Аҳмад ибн Увайс Амир Темур кўшинлари ҳужуми кутилаётган шаҳарнинг ғарбий томонидаги кўприкдан ўтиб, уни буздириб ташлади ва шаҳар чоғи ўз хонадони аъзолари, хотинлари ва бойликларини олиб шаҳарни тарк этди. Бағдодни муҳосара қилиш 1393 йил июл ойида бошланиб, икки ой давом этди ва шаҳар эгаллаш билан тугади. Муҳосара чоғидаги шиддатли жангларда кўп одам ҳалок бўлди, шаҳарнинг талай қисми, жумладан, деворлари, масжидлар ва бозорлар вайрон этилди.

Амир Темур Султон Аҳмаднинг орқасидан Мироншоҳ бошлиқ таъқиб гуруҳини юборди. Икки кун таъқибдан сўнг қочоқлар қувиб етилди. Султоннинг бойликлари, баъзи оила аъзолари қўлга олинди, бир қисм шериклари қиличдан ўтказилиб, аксарияти асир қилинди. Султон Аҳмаднинг ўзи уч юзга яқин суворийлари билан қочиб қутулиб, ярим яланғоч ҳолда Султон Барқуқнинг ҳузурига равона бўлди.

Бағдод аҳли шаҳар дарвозаларини очиб, омонлик ўлпонини тўлади ва Амир Темур ҳокимиятини тан олди. Баъзи муаррихларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур шаҳарда икки ой бўлиб, Султон Аҳмадга тегишли бойликлар, жавоҳирлар ва аҳолидан олинган омонлик тўлови билан чегараланишни ҳамда шаҳарлардаги машҳур усталар, ҳунармандлар, санъат аҳли, машшоқлар, мунажжиму меъморларни Самарқандга кўчиришни буюрган.

Айни пайтда мусулмон дунёсининг энг гуллаб-яшнаган марказларидан бири ҳисобланмиш Бағдодда ичкиликбозлик ва турли бузуқликлар авж олганлиги ҳақида хабар топган Амир Темур фармони билан шаҳарда мавжуд барча маст қилувчи ичимликларни Дажла дарёсига тўкиб юборишга, шаҳарда кенг тус олган фоҳишахоналарни зудлик билан ёпишга мажбур қилади.

Амир Темур Бағдоддан кетатуриб Қоҳирага, Султон Барқуққа оғзаки мактуб билан ўз элчиларини жўнатди. Улар давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилиши, савдо ва тижорат аҳллари бемалол борди-келди қилишлари, ўртада ҳеч қандай адоват ва ихтилоф бўлмаслиги ҳақидаги фикрларни билдиришди. Бироқ Султон Барқуқ элчиларни қатл этиб, ўзининг бу қилмишидан ғоятда сурурга тўлди. Бунда у кўзлаган мақсадлардан бири турклар султони Боязид эътирофини қозониш эди.

Чунончи, Амир Темур қўшинларидан бир қисми Анатолиянинг айрим худудларида туриши турк султониинг унга нисбатан очикдан-очик ғазабини кўзғатган эди. Шунга кўра, Миср ва турк султонлари Амир Темурга қарши ўзаро иттифоқ туздилар. Уларнинг тасаввурича, на Дажла дарёси, на Журжон денгизигача улар қўшинларига тўсиқ бўла оладиган ҳеч бир куч йўқ эди. Улар шимол томондан туркманлар, жанубдан Сурия араблари қўллаб-қувватлашига ҳам амин эдилар.

Шу режага мувофиқ турк қўшинлари Мосулгача осон етиб келган бўлса, Миср султониинг қўшинлари Дажла дарёсидан ўтиб Бағдодга кириб келди. Улар ўзлари билан Қоҳирадаги қочоқ Султон Аҳмад ибн Увайс Жалойирни Бағдодга олиб келиб, Миср султониинг ноиб сифатида ўз тахтига ўтқаздилар. Амир Темур билан Султон Барқуқ ўртасидаги расмий алоқалар 1385 йилдан бошланган эди. Нисбатан қисқа муддатда—1386 йилдан то 1405 йилгача Амир Темур ҳамда Миср Султони Барқуқ ва Фараж, шунингдек, уларнинг Суриядаги ноиблари ўртасида тахминан 25 марта мактуб ва элчилар алмашуви бўлган <sup>16</sup>.

Амир Темур вафотидан сўнг унинг ўғиллари ва набиралари ўртасида бошланган тахт учун кураш оқибатида мамлакатда парокандалик рўй берди. Шундай вазиятда Шохрух дастлаб Ҳирот, Хуросон ва Мозандаронда ўз хукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди. Сўнг Халил Султондан

---

<sup>16</sup> Хасанов А.А. Из истории дипломатических отношений Средней Азии с Европой в конце XIV - начале XV вв. // Востоковедение. Сборник научных трудов ТашГУ.. № 589. Ташкент, 1981. С. 126

Мовароуннахрни қайтариб олиб, у ерга ўғли Улуғбекни ҳоким қилиб тайинлади.

Шоҳрухнинг (1405—1447) фаол ташқи сиёсати натижасида давлат сарҳадлари кенгайиб, тез орада у Мовароуннаҳр ва Форс ерларини ҳам тўлиғича ўз тасарруфига олди. Қора кўюнли давлати Шоҳрухга жузя тўлай бошлади. Кермон ҳам тобелигини эътироф этди.

Шундай қилиб, Шоҳрух давлати яна Амир Темур давридаги каби Миср ва Сурияни ўз ичига олган мамлуклар салтанати билан чегарадош бўлиб қолди. 1425 йилнинг 15 декабрида Шоҳрух мирзо қишлоқ учун Озарбайжоннинг Қорабоғида тўхтаган вақтида унинг хузурига Миср султонидан юз ўғирган Бир неча амирлар ташриф буюрганлигини Абдураззоқ Самарқандий хикоя қилади.<sup>17</sup> Шунингдек, Абдураззоқ Самарқандий Миср ва Шомга юқорида таъкидланган Қорабоғдан юборилган элчиларнинг 1421 йил қайтиб келганлиги ҳақида қуйидаги маълумотни келтиради: “Зафар нишонли мавқаб Ироқ ва Озарбайжон юришидан бахту саодат билан қайтиб келиб ғалаба оятлари битилган байроқлар доруссалтана Ҳиротда тиклангач, Деҳли волийси Хизрхон қошидан Ҳиндустон элчилари етиб келдилар. Озарбайжон юришидан олдинроқ Хизрхон: «Ҳазрат хоқони саид биз томонга бир элчи юборсалар»,— деб илтимос қилган эди, онҳазрат ширин сўз ва ширин тилликда машҳур бўлган мавлоно Амирхожани жўнатди. Хизрхон бу юборилган кишига катта эътибор кўрсатиб, у мавлавий орқали тортиқ-совғалар юборди ва яхши қуллик изҳор қилиш билан ўз давлати асосини мустаҳкамлади. У диёрнинг ажойиботлари жумласидан бир каркадонни келтирган эдилар; у ғариб шаклли, ажиб тузилишли, қорамолга ўхшаш кесик туёқли, пе-шонасй ўртасида биттагина шохга эга ҳайвон экан. Ҳеч қандай тиғ у жониворнинг терисига қор қилмайди; унинг терисидан мустаҳкам сипар ишлаш мумкин/ агарчи жуссаси қорамолдек келса ҳам, аммо, айтишларича, фил билан жанг қилиб, ғолиб келар экан. Қисқаси, у

---

<sup>17</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баърайн. / Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар тарих фанлар номзоди А. Ўринбоевники. -Т.: ФАН. 1969. 282

жониворни ғилдирак арава ва шунга ўхшаш ажойиб ҳунарлар билан доруссалтана Ҳиротга етказдилар.

Фармонга мувофиқ Арроннинг Қаробогдан Миср ва Шомга жўнаган Муҳаммад Таййиб Мисрга етган вақтида Султон Шайхий вафот топиб, Музаффар ва Тотор у дисрнинг соҳиб ихтиёри бўлган эканлар, улар элчига риоят кўрсатдилар ва : «агар ҳумоюн мавкаб давлат жи-ловини бу мамлакат томон бурсалар, давлатхоҳлик вазифалари нимаики бўлса бажо келтирилгусидир»,— деб арзнома битдилар. Муҳаммад Таййиб шавволнинг охирларида (27 октябрь, 1421) доруссалтана Ҳиротга етди ва у мамлакатлар ақобирларини арномаларини арзга етказди.

Шупингдек, Қаробогдан Дашти Қипчоқ томон кетган Султон куш-чига ҳам Муҳаммадхон риоятлар кўрсатиб, давлатхоҳлик изҳор қилгач, у зу-лкаъда ойида (28 ноябрь — 26 декабрь, 1421) қайтиб келди ва хоннинг ихлосмандлиги ҳақида арз қилди.»<sup>18</sup>

Икки давлат ўртасида ўрнатилган муайян муносабатларнинг янги палласи 1429 йили Мисрда Барсбой исмли султон ҳукмронлиги даврида бошланган бўлса ажаб эмас.

Ҳарқалай, ўша йили Шоҳрух Миср султони ҳузурига ўз элчисини юборган ва ундан ўша асрнинг мисрлик машхур тарихчиларидан Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг «Фатҳ ал-борий ли-шарҳи ас-Сахийҳи-ал-Бухорий» ва ал-Мақризийнинг “Ас-сулук ли маърифат дувал ал-мулк» («Подшоҳларнинг давлатларни билиш йўллари») номли китобларини юборишни сўраган.

Ибн Ҳажарнинг ушбу китоби 13 жилддан иборат бўлиб, ал-Бухорийнинг «Сахийҳ»ига шарҳ тарзида ёзилган ва мусулмон оламида катта шуҳрат қозонган, унинг хар бир нусхаси ўша даврда 300 динар баҳоланган. Энг муҳими, элчи орқали юборилган мактубда Шоҳрух ўзи маҳсус тайёрлаттирган Каъба кисвасини (ёпинчиқни) юборишга ижозат сўрагани.

---

<sup>18</sup> Абдурраззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баърайн. / Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар тарих фанлар номзоди А. Ўринбоевники. -Т.: ФАН. 1969. Б. 300

Гап шундаки, ҳар йили ҳаж маросими ниҳоясида Каъба устига ёпиладиган кисва тайёрлаш ҳуқуқини Мисрни 1250 йилдан бери бошқараётган мамлук султонлари деярли икки аср давомида ўз қўлларида сақлаб келардилар.

Бинобарин, бу уларга мусулмон дунёсида раҳнамолик қилиш имконини берарди. Шу сабабли Султон Барсбойнинг бу илтимосга рад жавоби бериши табиий эди. Аммо Шоҳрух қўлёзма асарларнинг жуда катта ихлосманди ҳамда ислом динига эътиқоди мустаҳкам ҳоким сифатида маълум эди. Шу боисдан бу мавзуга такрор ва такрор қайтаверди.

Кисвага даъвогарлик масаласи Миср халқи орасида тез тарқалиб, катта шов-шувни келтириб чиқарди. Сабаби Амир Темур қўшини Сурия шаҳарларини ишғол қилган пайтдаги хотиралар ҳали унут бўлмаган эди. Абдураззоқ Самарқандий Шоҳрухнинг элчиларига жавобан миср Султони ҳам элчи юборганлигини ва бу элчилар 1429 йилнинг 17 ноябридан кейин Озарбайжоннинг Қорабоғида қабул қилинганлигини таъкидлайди: “Ҳазрат хоқони саид у қишни Арроннинг Қарабоғида ўтка-зиб, олампаҳо боргоҳ куббасини қуёшу ой авжига етказди. Жаҳон подшоҳлари ва даврон гарданкашлари Фаранг, Миср ва Шом тарафлардан ҳар хил василалар орқали элчилар ва мактубларни фалак ҳашаматли ўрдуга юбордилар ва ўз аҳвол ва илтимосларини улуғ амирлар орқали арз қилдилар. (Элчилар) муҳим ишларини битириб ва инъом-икромга сазовор бўлиб, ижозатга мувофиқ қайтиб кетдилар.

Онҳазрат Озарбайжон мамлакати ва унга қўшилган ерларни идора қилишни ўз умид юзини давлату иқболдек султонлар паноҳи (Шоҳрух) даргоҳига қаратган амир Абу Саъид ибн амир Қаро Юсуфга топширди ва унга нисбатан кўп иноятлар кўрсатди, унинг ҳуш қулоғини подшоҳона насихатлар ва хусравона маслаҳатлар билан безантирди; инсонлик хосиятлари ва хислатларидан, фозиллик ва фазилатларидан нима-ики бўлса, барчасини гавҳар сочувчи тилу дур нисор қилувчи лафзидан (бир-бир) ўтказди ҳамда унинг тириклиги қўйнига шоҳона дурларни солдики, ақд

жавҳаршуноси шунчалик билимдонлигига қарамай, уларнинг қийматини баён қилишга кал-талиқ қилади ва қаламнинг сўз тузувчи тили балоғат майдони-да қанчалик жавлон қилмасин унинг фойда ва нафъларини шарҳдашга ожизлик қилади.”<sup>19</sup>

Келаси йили Шоҳрух айнан юқоридаги мақсадни кўзлаб, Шерознинг энг мўътабар хонадонига мансуб бўлган бир зодагонни 8 минг динорлик совға-салом билан Мисрга элчи қилиб жўнатди. Элчи Султон Барсбой томонидан қабул қилинаётган пайтда Шоҳрух Каъбага албатта қисва ёпажаги ҳақида қасам ичганини маълум қилди.

Шундан кейин Барсбой қасам хусусида тўртта мазҳаб қозилари кенгашини чақиртиришга мажбур бўлди. Қозилар агар Шоҳрух тайёрланган қисвани сотиб, маблағини Маккадаги фақир-мискинларга эҳсон қилса, қасамидан фориғ бўлади, деган мазмунда ҳукм чиқаришди. Қозилар, шунингдек Мисрда қисва учун ажратилган махсус вақфлар мавжудлигини, бинобарин, харажатлар тўлиқ қопланаётганини, Шоҳрухнинг қисва тайёрлашига ҳеч қандай эҳтиёж йўқлигини таъкидладилар. Аслида, Миср султонлари бу ишга бошқа ҳеч кимнинг қатнашишини истамасликлари қозиларга аён эди.

Шубҳасиз, бу жавоб Шоҳрухни қониқтирмади. 1435 йили у учинчи бор мактуб йўллаб, Қуддус шаҳрини зиёрат қилиш истагини билдирди. Айни вақтда у Миср қозиларини ноҳолисликда ҳамда султон розилиги йўлида ва ўзларининг манфаатларини кўзлаб ҳукм чиқаришда айблади. Султон Барсбой бу мактубни эътиборсиз қолдирди.

Бу воқеадан сўнг халқ таҳликага тушиб қолди. Айниқса, Шоҳрухнинг Усмонли туркларнинг ўша вақтдаги султони Мурад II га ва оқ қўюнлилар амири Қора Юлуққа, Зулғадир ва Кермон амирларига сарполар юборгани Барсбойга қарши иттифоқ тузиш учун тайёргарлик, деб тушунилди. Шоҳрух,

---

<sup>19</sup> Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Ўзбекистон.2008. Б.6.

хақиқатан, оқ қўюнлилар бошлиғининг Мисрға қарши ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун фурсат келганлигини эътироф этди.

Султон Барсбой ҳам, ўз навбатида, ҳарбий тайёргарликни кучайтирди. Аммо у халқдан керакли маблағни тўплашга амр берганида қозилар норозилик билдириб, уни исрофгарчиликда айбладилар. Уша аср Миср тарихчиси Ибн Илёснинг ёзишича, унга: «Султоннинг хотини ўғлининг хатна тўйи куни қиймати 30 минг динорлик кўйлак кийган бир пайтда оч-ночор мусулмонларга янги солиқ солиш адолатдан эмас», — деб таъна қилдилар.

1436 йили Шохрух Султон Барсбойга тўртинчи мактубини йўллади. Бу сафар хат анча кескин ёзилган бўлиб, унда Шохрух номига хутба ўқитиш ва унинг исми билан танга зарб қилиш талаб этилганди. Бу талабни қабул қилиш вассалликни очиқ-ойдин тан олиш билан баробар эди. Султон Барсбой, ўз навбатида, элчини таҳқирлаб, хат билан бирга юборилган сарпони йиртиб ташлашни буюрди.

Айтишларича, султоннинг бундай тасарруфи кўпчилик сарой аҳллари ва тарихчиларига ёқмаган. Масалан, XV асрнинг машҳур Миср тарихчиси Ибн Тағриберди ўзининг «Ан-нужум аз-Зоҳира фи мулк-и Миср ва-л-Қоҳира» («Миср ва Қоҳира подшоҳликларида кўринувчи юлдузлар») китобида Султон Барсбойни бу иши учун танқид қилиб, аксинча, «Хатга вазмин ва босиқлик билан жавоб бериш, мамлук қўшинларининг заифлиги ҳақида сир бой бермаслик керак эди», деб ёзганди. Қандай бўлганда ҳам, мазкур элчи ал-Мақризийнинг «Тарих»и ва Ибн Ҳажар-нинг «Фатҳ ал-борий»сидан бир нусхадан олиб қайтгани маълум.

Шохрух билан Барсбой ўртасидаги муносабат шу зайлда кескинлашди. Шохрух Барсбойнинг ашаддий душмани бўлган Жонибекни зиндондан бўшатишга Зулғадир амирини мажбур қилди ва усмонлилар султони Мурад II билан яна алоқа боғлашга уринди. Барсбой эса бунга жавобан усмонлилар билан мудофаа иттифоқи тузишга эришди.

Султон Барсбойга қарши отланган Жонибек ва унинг иттифоқчилари

Миср кўшинларидан мағлуб бўлдилар. Мисрликлар Зулғадир пойтахти Обулистонга бостириб кириб, уни вайрон қилдилар.

Миср султонининг Суриядаги ноиблари Жонибекни таъқиб қилишни давом эттиришди, пировардида у ўша пайтда Миср султони тарафида бўлган Қора кўюнлилар бошлиғи кўлига асир тушди. Жонибекнинг боши танасидан жудо қилиниб, Қохирага юборилди ва Зувайла дарвозаси олдида осиб кўйилди.

Барсбой бир неча бор оқ кўюнлилар бошлиғи ва унинг хомийси Шоҳрухга қарши кўшин тортажагини эълон қилган бўлса-да, то 1438 йил июнида вафот этгунига қадар бунга жазм қилмади. Уша давр тарихчиларининг шарҳлашича, агар Султон Барсбой тўсатдан вафот этмаганида улар ўртасида жанг бўлиши муқаррар эди.

Аслини олганда, Шоҳрух давлати ва Миср мамлуклар султонлиги ўртасидаги бу кураш ва рақобат замирида Фрот дарёсининг юқори оқимида, яъни ҳозирги Ироқнинг шимоли ва Суриянинг шимоли-шарқида ҳукмронлик ўрнатиш мақсади ётарди.

Ўша аснода Миср мамлуклар давлатининг сиёсий аҳволи беқарор эди. Мамлакат аҳолиси Амир Темурнинг у пайтда Мисрга қарашли бўлган Сурия шаҳарларига берган зарбасидан ҳали ўзига келмаган, Форс тарафда катта куч борлигидан таҳликада эди. Боз устига Миср давлатининг иқтисодиёти батамом издан чиққан эди.

Шоҳрух давлатининг аҳволи ҳам ундан яхши эмасди. Абулхайрхон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар Сирдарё бўйидаги қатор шаҳарларни ва Хоразмнинг бир қисмини Улуғбекдан тортиб олган, Мовароуннаҳр ва Эрон ерларига тез-тез хужум уюштириб туришганди. Шоҳрух ва Улуғбек шимолий сарҳадларда мунтазам катта кўшин тутиб туришга мажбур эдилар.

## 1.2 Миср ва темурийлар давлатларининг ўзаро алоқаларида “Шоҳрух қисваси” масаласи

Барсбой вафотидан сўнг 1438 йили Миср тахтига мамлук султони Чақмоқ ўтирди. Фурсатдан фойдаланиб, унинг хузурига Шоҳрух катта ҳадялар билан ўз вакилини юборди. Бунга жавобан Султон Чақмоқ ҳам ўз элчиларини жўнатган. Лекин Темурийлар саройига оид тарихий манбаларда дастлаб Султон Чақмоқнинг элчи жўнатганлиги таъкидланади. Бу воқеалар ҳақида Абдураззоқ Самарқандий батафсил ҳикоя қилади: “Улуғлик ва муқаддаслиги ортгур мулк бахш этувчи малик (тангри) ҳазрат хоқони саъидга кенг мамлакат иноят қилди. Чин ниҳоятдан то Рум ва Миср ниҳоятгача, Туркистоннинг йироқ ерларидан то Ҳиндустоннинг поёнигача бўлган мамла-катлар онҳазратнинг кулларининг қудрат қўлида бағоят маъмур ва итоаткор эди; у шаҳар ва диёрларнинг барчасида би-рор кишининг ҳам хотирида ҳазрат хоқони саъиднинг фар-монига хилоф иш тутишдан асар кўринмас, ер юзининг саркашлари олампадох даргоҳга ўз илтижоларини йўллаб, бож тўловчию фармонни бажарувчи эдилар ва хайрихоҳдик ҳам бўйсунлиқ юзасидан элчилар ва мактубларни восита қилиб муносиб совға-саломларни юбориб турар эдилар. Жумладан, Миср султони ал-Малик аз-Зоҳир Чақмоқбек Жижикбуқо номли элчини юборди ва у жумод ал-ухронинг еттинчисида (15 ноябрь 1439) доруссалтана Ҳиротга етиб келди; муносиб совға-саломлар ҳам тегишли тухфаларни арзга етказди. Бу ҳолнинг шарҳи кенгроқ тарзда сўзлашга муҳтождир. Бу-нинг баёни шундай: Ҳазрат соҳибқирон давлати пайдо бўли-шининг бошланиш вақтларидан, балки жаҳонкушой подшоҳ Чингизхон истилосининг бошланишидан (ва) фарзандлари давридан тортиб<sup>2</sup> то шу вақтгача Миср ва Шомнинг султонла-ри ҳамиша қайсарлик, ўзбошимчалик, саркашлик ва истибдод мақомида туриб келдилар; бу (тарофнинг) подшоҳларига ўз иродат ва эътимодлари билан ҳаргиз яқинлик кўрсатмадилар. Тарих китоблари бу аҳвол ҳақида сўзлайдилар ва бу даъво-нинг тўғрилигидан чин гувоҳлик берадилар. Энди

эса Султон Чақмоқ мухаббат, дўстлик ва эътикод билдириб элчи юборди. Айтишларича, у султонликга таъинланишидан олдин бир кеча туш кўрган, тушида ҳазрат хоқони саъид унинг белидан уш-лаб кўтариб, Миср салтанати тахтига ўтказган эмиш. Султон Чақмоқ қувонч ва шодмонликнинг зўрлигидан уйқудан уйғонган. Мисра: Уйқу даражалари қандай яхшики, уйғоқликдан афзалдир!

У камоли севинчидан ва ғоятда хурсадлигидан тонгги шабада нафасидан очилган гул янглиғ табассум қилди ва ўз-ўзига — байт:

«Менинг уйғоқ бахтим Шохрухнинг тарбиятидан Қоронғу кечаларда тилаган кунига етишади» —деди ва дилидаги бутун ҳимматини Миср мамлақати салтана-тига қўйди, аммо даҳану лабини бу сўзни айтиб қўйишдан ғунча мисол буткул юмди; у ўз хотирида «қачонки салтанат тахтида қарор топсам, онҳазратга нисбатан ғоятда мувофи-қатчилик ва дўстлик бажо келтираман» деб қарор берди. Миср вилоятининг подшоҳи Малик Ашраф жаҳон билан видолашган вақтда Чақмоқбек катта мироҳўр эди, илоҳий тақ-дир ва осмоний кўллаб-қўлтиқлаш унга кўмақдош бўлди, Миср ва Шомнинг улуғлари ҳам хосу омнинг барчаси унга бўйсунушиб, барча ишлар ихтиёри ва бутун маслаҳатлар тизгини унинг қудрат панжасида қарор топди; минбарлар тепаси ва динор-лар юзи унинг ном ва лақаблари билан безанди; унга ал-Ма-лик аз-Зоҳир лақаби берилди; мулк ва давлат муҳри унинг тамкин бармоғи, салтанат маржонининг тартиби унинг зеб-зийнати билан оройиш топди; андак вақт ичида у кенг мамла-кат шундай итоаткор ва мустаҳкам бўлдики, мағнотис темир-ни тортишга бўлган иштиёқидан воз кечди ва қаҳрабо сомон-ни ўз тасарруфида сақлаш қўлини орқага тортди.

Малик Чақмоқ энди кўрган тушини хотирига келтириб, элчи юбориш истаги унинг замиридан бош кўтарди; амирлар, давлат арконлари ва мамлакат улуғлари билан машварат туз-ган эди, кўпчилик моне бўлдилар, аммо у элчи юборишга жазм қилиб қўйганлиги учун эътибор аҳлининг инкор қилишлари фойда бермади. Танлаш қуръаси унинг хос кишилари орасида эътибори кўплиги билан шуҳрат топган амир Жижикбуқо номига тушди.

Сўнг у подшоҳона совға-саломлар ва хусравона тухфаларни хозирлаб, Жижикбуқони кўп ададли бир тўда билан Хуросон томон йўллади.

Жижикбуқо Хуросон мамлакатига кириб келгач, унинг келиши ҳумоюн мизожга ёқиб тушди ва (Шоҳрух) амир Ҳаби-буллоҳ сулдуз номли ўз яқинларидан бирини кутиб олиш учун йўлга чиқарди ҳамда элчиларга ҳар бир вилоятда хизмат қилиш шарт-шароитларини бажо келтирсинлар, деб фармон берди. Жижикбуқо доруссалтана Ҳиротга етиб келгач, уни Боғи амир Шоҳмаликга туширдилар, улуғ амирлар ва номдор муқарриб-лар уни кўришга бордилар ва қадамларига қутловлар сўзладилар. Уч кундан сўнг элчи фалак ҳашаматли даргоҳга келиб, улуғ амирлар воситаси билан файзли бармоқларни ўпиш саодатидан мағрур ва сарафроз бўлди ҳамда ҳадя ва пешкаш-ларни арзга етказиб қабул шарафига етишди. Онҳазрат Миср султони Ал-Малик аз-Зоҳир Чакмоқбекнинг ҳол-аҳволидан сўради ва муҳаббат, яқдиллик, дўстлик ҳам бирлик (туйғула-рини) изҳор қилди. Элчини (Шоҳрухнинг) ўнг қўл тарафига улуғ жўчинлар жаргасида ўтирғиздилар. Ўша куни шун дай бир тўй ташкил қилган эдиларки, унга қараш ва тамошо қилишдан осмон хонсолорлари зўр таажжубда эдилар. Хон-тахталар ва косалар ҳаммаси тилла югуртиб безатилган, шу-нингдек кумуш ва тилладан ишланган катта-катта табақ ва косалар саноқ ва ҳисобга келмайди, таомлар ва ошлар сифати таҳрир қалами ва тақрир рақами билан таъриф-тавсиф қилиш-дан ортиқ. Онҳазрат ўз ҳумоюн ҳузуридан элчи олдига бир неча бор улуш ва бахшиш юбортирди.

Таом мажлисидан фориг бўлгандан сўнг элчи тўла эъзоз-икромлар билан ўз висоқига қайтди. У ҳафтада икки марта боргоҳга шийлон учун келиб, иноят назарига манзур бўлиб турди. Подшоҳзодалар: мирзо Муҳаммад Жўкий баҳодир, мирзо Алоуддавла ва мирзо Абдуллатифлар элчини таклиф қилиб, ҳар бирлари катта тўйлар бердилар ва чопқир отлар-ни зарнигор эгарлар билан, шоҳвор қимматбаҳо жомаларни камёб тухфалар билан совға қилдилар, элчи бирор дақи-қани ҳам риоят ва иноят расм-русумларисиз ўтказмади. Шу-нингдек, улуғ амирлар: амир Алоуддин Алика кўкалтош,

амир Жалолуддин Фирузшоҳлар ва дастури аъзам Хожа Ғиёсуддин Пир Аҳмад элчини ўз високдарига таклиф қилдилар ва зўр такаллуфлар билан катта тўйлар бериб, от, жома ва бошқа совғалар тақдим қилдилар.

Элчи аъло тахт поясига етишган вақтида амирлар воситачилигида: «Султон Чақмоқ уфқлар султони (Шоҳрух)нинг кутубхонасидан бешта китобни илтимос қилади ва умидвордирки, онҳазрат иноят кўрсатиб Шайх Абу Мансур Мотуридийнинг «Таъвилоти аҳли суннат», Имом Фахруддиннинг Тафсири кабир» «Шарҳи Талхиси Жоме», мавлоно Алоуддин Пахдавоннинг «Шарҳи Кашшоф» китобларини совға қилсалар» — деб арзга етказган эди. Онҳазрат элчининг илтимосига ижобат қилди ва бу китобларнинг барчаси мавжудлигига қарамай, ҳаммасини китобатлашга буюрди. Китоблар жилд ва жадваллар билан муҳайё Ҳазрат хоқони саъид катта бир тўй ташкил қилишга ишо-рат қилди ҳамда элчи ва унинг хоқимига атаб инъом ва совға-лар таъинлади. Улуғ амирлар ва номдор сардорлар ер юзининг подшоҳи (Шоҳрух)нинг ҳумоюн мажлисини ташкил қилиш ва безатишга киришдилар ҳамда султонлар паноҳи бўлган даргоҳда бир байрам мажлисини безатдиларки, (осмон) ёмон кўзни дафъ қилиш учун унинг тепасида гир айланар ва жаҳонни кўрган сипеҳр минглаб кўзларини тикиб унинг тамошосидан ҳайрон ва саргардон эди. Улуғ амирлар ражаб ойининг ўн сак-кизинчисида (25 декабрь 1439) элчини ҳумоюн мажлисга ҳозир қилдилар. Онҳазрат унинг борасида турли-туман инъомлар ва хилма-хил иззат-икромлар кўрсатиб, беш минг динар нақд пул инъом қилди, хос совғалар, мукаммал ясатилган отлар бер-ди. Унинг элликта навкарининг ҳар бирига эса биттадан от, жома ва минг динардан нақд пул улашдилар. Сўнгра элчига ижозат бериб, Миср мамлакати томон жўнадилар. (727)

Элчи қайтишга ижозат олиш вақтида: «Султон Чақмоқ бу бандага: «ҳазрат (Шоҳрух)нинг бандалари рухсати билан тўртта шаҳарни кўриб, уларнинг аҳвол ва авзоини маълум қилиб, менга сўзлаб берасан» деб буюрган, у шаҳарлар Шероз, Исфаҳон, Язд ва Кошондир» деб арз қилган эди, ҳазрат хоқони саъид унинг илтимосини қабул қилиб у тўрт шаҳарни тўла

тартибга солсинлар, шаҳарларни безатсинлар деб буюрди. Элчига у шаҳарлардан тўрт минг динор кўпакий инъом бу-юрдилар. Онҳазратнинг муқарриби, хос кишилар орасида ка-моли эътиборга эғалиги билан ифтихорли, мулк ва молга тегишли ишларда сўзи батамом таъсирли бўлган мавлоно Ҳисомуддин Муборакшоҳ парвоначини ҳазрат хилофат (Шоҳрух) элчиликга таъин қилди ҳамда Миср султони учун подшоҳона тухфалар, хусравона ҳадялар ва у сўраттиргани бешта китобни (мазкур) мавлавий орқали жўнатди; то Фирот суви каноригача бўлган вилоятларнинг ҳокимлари номига офтобдек таъсирли ҳукмлар жўнатилиш шарафига етди. Элчилар керак-яроқдарни ҳозирлаб, ишларини саранжомлаб фармонга мувофиқ Миср ва Шом мамлакатлари сари равон бўлдилар.”<sup>20</sup>

Яна бир неча бор ўзаро ҳадялар алмашингач, алоқалар тубдан яхшиланди. Шоҳрух Каъба қисвасини тайёрлаш ниятидан ҳали ҳам воз кечмаган ва ҳар сафар бу ҳақда эслатиб турарди. Абдураззоқ Самарқандий 1440 йил воқеаларини ҳикоя қиларкан Мисрга жўнатилган элчилар ҳақида маълумот беради: “Миср вилоятига элчиликга кетган Мавлоно Ҳисомуддин Муборакшоҳ Қудусга тегишли қасаба Ғаззада улуғ беҳишт томон майл қилиб, азизлар руҳи билан ҳамнишин бўлганлиги ҳақида шу аснода хабар келди. У ўзи билан олиб кетаятгани ҳумоюн нишон ҳам совғаларни ўз ўғли амир Раҳимга топширди ва у Мисрга етказди. Султон унга яхши муомалада бўлди, отасининг ўлими муносабати билан таассуф изҳор қилди. Ҳазрат хоқони саъид мавлавийнинг қадимий хизматларини ёдлаб, унинг ўғилларига подшоҳона илтифотлар билан дилжўйлик кўрсатди ҳамда оталарининг муча ва мансаби ҳам вазифа ва мартабасини уларга бағишлади. Мисра: унинг лутф-марҳамати барчани юпантирди.”<sup>21</sup>

---

<sup>20</sup> Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Ўзбекистон. 2008. Б. 84-88.

<sup>21</sup> Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Ўзбекистон. 2008. Б. 104

Нихоят, Султон Чақмоқ Родос оролига қилган учинчи муваффақиятсиз хужумидан қайтганидан сўнг 1443 йили Каъба кисвасини тайёрлаш ҳақидаги Шоҳрухнинг навбатдаги илтимосига розилик берди. Аммо Султон Чақмоқ сидқидилдан рози бўлмай, балки ўзаро муносабатларни кескинлаштирмаслик мақсадида шундай қарорга келган кўринадди. Ҳарқалай, у Шоҳрухга фақат ич томондан, яъни Миср султони кисваси остидан ёпиладиган каъбапўш тайёрлашни шарт қилиб қўйди. Бу воқеалар ҳақида ҳам Абдураззоқ Самарқандий маълумот келтиради: “”(Ҳокони саъид) салтанатга тегишли улуг ишлар қанчалик кўплигига қарамай илоҳий ҳукмларга риоя қилишдан ҳеч маҳал ғофил ва бепарво бўлмас, диний ишларни дунёвий машғулотлардан ҳамма вақт илгари қўяр эди. Шу туфайли даҳр жабборлари ҳам аср қаҳқорларининг пешоналари унга хизмат кўрсатиш ери ва итоатда бўлиш остонасига суркалган жаҳон сарварлари ва гарданкашларининг бўйинлари унга ихлос қўйиш бўйинбоғи ва қарамлик ҳалқасига кириш билан ифтихор бошларини фалакга кўтарган, олий даргоҳнинг майдони ер юзи султонларининг саждагоҳига, шоҳона баргоҳ палоси Рум ва Фаранг қайсарлари ҳам Миср ва Занг мамлақати жабборларининг бўса жойига айланди. (Ҳокони саъиднинг) баландпарвоз ҳимматининг ҳумо (қуши) ҳамиша ҳожатмандлик юзасидан Байтуллоҳ(ни ёпмоқ) учун Ҳижоз томонга жома юбориш истагида парвоз қилар, аммо бу иш Миср султонининг рухсатисиз амалга ошмай келар эди. (Саккиз юз) қирқ учинчи (1439—1440) йили эса Миср султони бир элчи юборган ҳамда ўз ихлосини тегишлича изҳор қилган эди. Энди эса ҳумоюн хотир (Шоҳрух) у (Миср султони)нинг ҳузурига бир элчи юбориб, уни ўз нурли замиридаги истакдан хабардор қилишни лозим деб топди. Мулк (ишлари) бўйича соҳиб ихтиёр бўлган амир Жалолуддин Ферузшоҳ муртазойи аъзам Сайид Шамсуддин Муҳаммад Замзамийни элчиликка тайин қилди. «У (Сайид) жуссаси кичигу аҳли катта, иш оқибатини кўрабилувчи, кўпчилик манфаатини кўзловчи, ширин тил ва нозик баён киши эди».

Мазкур муртазо (Сайид) сафар асбобларини мухайё қилиб, у узок масофани андак фурсатда босиб ўтди. Ҳалаб чегарасидан тортиб то Миср ташқарисигача (бўлган ерларда) султон фармонига мувофиқ риоят ва яқинлик бобида нимаики мумкин бўлса, барчасини адога етказдилар. Султон ўз яқинларидан бир тўдасини кутиб олиш расми бўйича (йўлга) чиқарди ва ўз лутф-марҳамати борасида хушхабар етказиб, иноятидан умид туғдирди. Сайидни хуш чехра билан қаршилаб, яхши савол-жавоб қилди; ҳазрат хоқони саъиднинг ахволи ҳақида сўради ҳамда муҳаббату дўстлик ва иродату эътиқод изҳор қилди, Сайид олиб келган нишон-хатни тўла ҳурмат билан (793) сўраб олди ва мазмунини тушуниб етгач: «у ҳазрат ҳар қачонки байтуллоҳ жомаси юборса, жомани тегишли ўрнига етказмоқ учун султон тўла саъй-ҳаракат кўрсатгусидир», деб қабул қилди; Сайид Муҳаммад Замжийга хилма-хил риоят-лар кўрсатиб ва турли-туман иноятлар буюриб қайтиб кетиш-га рухсат берди, маъқул келадиган мактуб ва тухфалар жўнатди, яхши сўзлар билан баён қилинган хабарлар юборди. Юқорида номи аталган муртазо онҳазрат (Шохрух)га мулозамат қилии: саодатига етишиб, у диёр (Миср) хабарларини арз ерига етказди. Булар ҳаммаси ҳумоюн мизож (Шохрух)га маъқул тушди; Мисра: барча шохдар жону дилдан унга итоатдадирлар»<sup>22</sup>.

Розилик олгани заҳоти Шохрух Қоҳирага Каъба қисваси билан ўз вакилларини юборди. Улар Мисрдан ҳажга борадиганлар гуруҳи билан биргаликда жўнамоғи лозим эди.

Миср султони вакилларни қалъада қабул қилди. Айни вақтда у гўё мисрликлар қалбини жароҳатламаслик учун Шохрух қисвасини беркитиб қўйишни буюрди. Шундай кайфиятни юзага келтириш учунми, ҳарқалай, авом халқ ва султон аскарлари (шахсий гвардияси)дан баъзилар Шохрух

---

<sup>22</sup> Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Ўзбекистон. 2008. Б. 133-134.

вакиллари тушган масканларга хужум қилдилар ва ҳатто уларни таладилар ҳам.

Султон авом халқдан бўлган босқинчиларни жазолади-ю, лекин аскарларига тегмади. Шундан сўнг у Шоҳрух вакилларида таланган нарсаларнинг ўрнини тўлдириб, уларни ҳаж сафарига ҳозирлади. Шу воқеалар шоҳиди машҳур Миср тарихчиси ас-Саҳовийнинг таъкидлашича, Маккага йўл олган Шоҳрух вакиллари орасида Амир Темурнинг собиқ завжаларидан бири ҳам бўлган.

Юқорида баён этилганларни Абдураззоқ Самарқандий ҳам тасдиқлайди: “Ҳазрат хоқони саъид улуғ муртазо Сайид Муҳаммад Замжийни Мисрга юбориб, Миср подшоҳи Султон Чақмоқга муқаддас байтуллоҳга либос ёпиш истагини маълум қилганлиги, Миср подшоҳи у ҳазрат (Шоҳрух) қачонки Каъба жомасини юборса, уни (Каъбага) ёпиш маросимини охирига етказмоқ учун тўла саъй-ҳаракат кўрсатишга рози бўлганлиги ҳақида ўтган йил воқеалари (орасида ёзиб) ўтилган эди. У ҳазрат (Шоҳрух) шундай қаттиқ бетобликдан сиҳҳат топгани бу вақтда у хайрли ният шуъласи унинг офтоб таъсирли дилида жилваланиб, «улуғ амирлар замона ақибларидан Миср мамлакатига элчиликга боришга лойиқ ва Каъбага жома ёпишни уddaлай оладиган бир кишини танласинлар» деб фармон берди. Бу иш ҳар бир кишининг ҳам қобилияти қоматига тўғри келадиган бир қийим бўлмаганлиги учун, амирлар маш-варат тузишиб, валийсифат жаноб Нуриддин Муҳаммад ал-Муршидий ва фазилатлар эгаси мавлоно Шамсуддин Муҳаммад ал-Абҳарийлар Миср вилоятига юзлансинлар, деган қарорга келдилар ва бу маънини ҳумоюн арзга етказдилар. (Шоҳрух) буни маъқуллади ва «фармону ҳукмлар ҳам бошқа зарурий нарсаларни саранжомлаб йўлга чиқсинлар», деган олий фармон содир бўлди. (Шоҳрух) фармонига мувофиқ (бундан илгарироқ) дорулибода Яздда Каъба жомасини тайёрлаб Ҳиротга келтирган эдилар ва у жома ҳазонайи омирада сақланмоқда эди.

Жаноб Шайх ва мавлавий барча керак-яроқларни дил истаган тарзда хозирлаб йўлга тушдилар ва у узоқ масофани андак фурсатда босиб ўтдилар. Ҳалаб ва Шом чегараларига етганларида у мамлакат амирлари таъзим шартларини адога етказдилар. Миср ташқарисида Султон (Чакмоқ) бир гуруҳ яқинларини кутиб олиш расмида истиқболга чиқарди. Улар (элчиларни) ғоят сертакаллуф бир висоққа келтириб туширдилар. (Элчилар) учинчи куни султон хузурига бордилар. Султон уларни яхши қаршилади, ҳазрат хоқони саъид аҳволини сўради ва у (Султон Чакмоқ)нинг номига битилган нишонни тўла ҳурмат билан олиб муҳаббат ҳам дўстлик изҳор қилди. Элчилар учун кундалик у л у ф а (озик-овқат) таомили бўйича ҳар кунга бир фулурдан (пул) тайинлади.

Миср ва Шом амирлари орасида ҳазрат соҳибқирон хонадони ва унинг олийшон фарзандларига нисбатан ҳеч маҳал ишонч ва эътиқод воқе бўлмаганлиги туфайли Султон (Чакмоқ) элчиларни сўратиб, уларга тўла эҳтиром кўрсатаётганлига у диёрнинг улуғ амирлари хотирига оғир кедди. Бир куни султон элчиларни (саройга) чорлатганида (элчилар) подшоҳ мажлисидан кечикиброқ ташқари чиқдилар. (Шунда) «султон уларни бандга олишга фармон берди», — деган ёлғон овоза оғизга тушиб кетди, авом халқ тўдаси ғавғо кўтариб элчилар висоқига етди, элчиларнинг мол-мулк ва керак-яроқлари та моман ғоратга учраб, Каъба жомаси турган сандуқлардан бошқа нимаики бўлса, ҳаммаси талон-торожга нишон бўлди. Бу хабарни эшитган султон қаттиқ изтиробга тушиб, «фитна кўзғатувчилар менинг дўстимни мenden ранжитдилар», деди ва элчиларга кўп узрхоҳликлар кўрсатди ҳам имон билан қасам ичиб, «мен бу воқеадан ҳеч хабардор эмасман, бундай сурат менинг фикрим лавҳасида ҳеч бир нақшланмаган эди», деб айтди. (Сўнг) элчиларга кўп фулур инъом буюрди ва Ҳижоз йўли сафари учун керак-яроқларни мукамал тартибга келтирди ва элчиларга ўз хабарчиларини кўшиб жўнатиб, икки шариф ҳарам (Макка ва Мадина) ҳокимлари номига энг муболиғали ҳукмлар йўллади.

Элчилар у бахтли мақомга етиб бориш саодатига мушар-раф бўлгач, муқаддас байтуллоҳнинг ҳрким ва хизматчилари-нинг саъй-ҳаракати билан Каъбага жома ёпдилар. Шундай улуғ бир иш ҳазрат хоқони саъид замонида муяссар бўлдики, бу ишга ўтган замонлар султонлари орасида бирор киши муваффақ бўлганлиги камроқ учрайди.

Жаноб Шайх (Нуриддин Муҳаммад) ва мавлавий (Шамсуддин Муҳаммад)лар ҳаж, умра ва бошқа (зиёрат) таомилларини бажаришга мушарраф бўлиб ва бу бахтли мақом одобини ўрнига қўйиб, Хуросон томон юзландилар ҳамда ҳазрат хоқони саъид хизматига етиш давлатига эришдилар. У ҳазрат икки шариф ҳарам (Макка ва Мадина), муборак Қудус ва Халил ар-раҳмон (шаҳарлари), — Оллоҳ уларнинг шараф ва иззатини кўпайтирсин, — аҳволидан савол қилди ва элчиларга лутф-эҳсонлар кўрсатди. Шу орада элчилар билан ҳамроҳликда Мисрга бориб келган Абдумалик номли бир қўшун амири тиз чўкиб: «жаноб шайх ва мавлонолар Миср султони иноят қилгани инъомлардан бизга улуш бермадилар», деб шикоят қил-ган эди, у ҳазрат (Шоҳрух) «девоң кишилари уларнинг кечми-шини суриштириб билсинлар», деб буюрди. Бир неча кунни бу борада савол-жавоб билан ўтказгач, оқибат, Абдумалик ва унинг қўшунида бўлган кишиларни хурсанд қилдилар. Бу иш ҳумоюн мизож (Шоҳрух)га маъкул тушди.»<sup>23</sup>

Маккаи муқаррамада шу йили Шоҳрух қисваси Каъба устига Миср Султони каъбапўши остидан ёпилди. Шундай қилиб, Шоҳрух ўз қасамининг уддасидан чиққан бўлди. 1447 йили Шоҳрух вафот қилгунга қадар Миср билан дўстона алоқалар олиб борилди. Шоҳрух мирзо ўз ўлимидан олдин ҳам Мисрга элчи жўнатишга қарор қилади. Бу сафар элчиликка тарихчи Камолуддин Абдураззоқни тайин этади. Абдураззоқ Самарқандийнинг бу маълумотларида аввалги элчиликларга ҳам бир мунча баҳо бериб ўтилган ва

---

<sup>23</sup> Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Ўзбекистон. 2008. Б. 166-168.

айнан шу даврда Миср ва темурийлар давлатнинг муносабатлари бир мунча яхшиланганлиги таъкидланган. Абдураззоқ Самарқандий қуйидагича ҳикоя қилади: “Ҳазрат хоқони саъид Райнинг Пашов (қишлоғи)да қишлоқ қилишни муносиб топди ҳамда рамазон ойининг қолган қисмида у мақомда тоат-ибодатларни адога етказиш ва вожибот-ларни бажариш билан машғул бўлди. Ийд (ойи)нинг ҳилоли (I шаввол 850 — 20 декабрь 1446) қутли бахт уфқидан жаҳонни безовчи жамолини олам аҳдига кўрсатгач ва (868) азалий ино-ят кўли илоҳий саодат эшикларини давлат арбоблари юзига очгач, у ҳазрат ўз шоҳона хотирини ийд байрами ва бу қутлуғ кун расм-русумларидан фориг қилди ва мамлакат манфаатига доир тадбир кўришга илтифот шуъласини ташлади.

Жаноб Шайх Абдулваҳҳоб Сиддикий шариф ҳарамлар (Макка ва Мадина) томонидан ҳумоюн ўрдуга келиб, у мубо-рак ерларнинг вақфини (беришни) талаб қилиб юрганига бир неча вақт бўлган эди. Энди (фурсати келиб) аъло ҳазрат (Шоҳрух)нинг оламини безовчи фикри Миср тарафга элчи юбо-ришга, офтоб нурли мавқабнинг Ироқ мамлакатларига келганлигидан огохлантиришга, (элчи орқали) икки ҳарам (Макка ва Мадина) в а қ ф лари ҳосилини у ерга етказишга ва қайтадан у табаррук мақомлар аҳволини билишга майл кўргазди ҳамда аъло ҳазрат Гилон вилоятига элчиликдан қайтиб келган ушбу варақларни тўпловчи (Абдураззоқ)га «Миср томон элчиликка отлансин», деб ҳукм қилди. (Элчи учун) шоҳонани шон мукамал тахт қилиндию, аммо замона у ниятни тўла амалга оширишга йўл бермади. Мисра: Гардуннинг айланиши қачон бизнинг муродимизга мувофиқ бўлган эди?!

Миср мамлакати бошқа мамлакатларга таққослаб қаралганда, ҳазрат соҳибқирон (Амир Темур)га мутобиатчилик ва итоат йўлида бўлмаганлиги учун то Султон Чақмоқ замонигача у ер султонларидан ҳеч бир киши ҳазрат хоқони саъидга нисбатан тарафдорлик ва эътиқод изҳор қилмади. Султон Чақмоқ амир Жижикбуқони юборганида эса у (Миср) мамлакатининг йўл-йўруғи ҳақиқатини бу ерлар аъёнлари назарига очиб берди. У ҳазрат

(Шохрух)нинг элчилари ҳам бир неча бор (Мисрга) бордилар ва ўз ихтиёрлари билан қайтиб келдилар. Уфқлар султони (Шохрух) Ирок мамлакатларига келган ва яратувчи малик (Оллох) Форс ва Ирокнинг муҳим ишларини саранжом қилган бу вақтда эса у ҳазрат (Шохрух) Миср мамлакатига бир элчи юбориб, ҳумоюн байроқнинг (Ирок томонга) йўналганлигидан огохлантириб қўйишга майл кўрғазди.

У ҳазрат (Шохрух) Миср султониغا нишон-хат ёзиш ва бунда салтанат номусига риоят қилиш, муҳаббат ва бирлик йўсуини назарда тутиш масаласига катта эътибор билан қара-ди. Ва биринчи навбатда: «нишон-хат нухасини туркий ва форсий тилда битсинлар, амирлар уни текшириб (менга) кўрсатсинлар, сўнг уни араб тилига таржима қилиб ҳумоюн мажлисга келтирсинлар ва амирлар, вазирлар, фозил кишилар, маволийлару уларга тенглар ва аҳолига ўқиб бериб, унинг мазмунини тушинтирсинлар, (шу тартибда) мукамал зўлгач, биз нишон юзига муҳр босамиз», — деб буюрди. Мисрга (юбориш мўлжалланган) нишон-хат шу хилда эҳтиёткорлик билан битилганлиги учун шакар рақамли қалам давлатнинг лаззатли чашмаси баёнини арабча Миср нишон-хатининг наввоти билан ширин қилишга ва Мусо янглиғ Миср сеҳргарлари учун мўъжиза намуналарини иншо қилишга майл ўрғазди. Нишон-хат сурати мана бу

Шохрух баҳодирдан:

Олий мақом ашрафий, аъзамий, амжадий, мужоҳидий, робитий, омилий, одилий ва бодилий ал-Малик аз-Зоҳир Чақмоқбекга! Оллоҳи таоло унга ўз марҳамат ва эҳсонини ёғдир-син ва унинг шаънини фарқадан (юлдузлари)дан юқори кўтарсин!

Мавжудлиги далиллари коинот юзидан равшан кўришиб турган ва унинг ягоналигига шоҳид бўлган Оллоҳга ҳамд бўлсин! У (Оллох) ўзининг яратганларини турли-туман бир сафга тизиб, бандаларини яхши армуғонлар билан иззатлади, у шундай (зот)ки, ўз бандалари тавбасини қабул қилиб, ёмон қилмишларини авф этади. Ажойиб мўъжизалар яратган (Муҳаммад пайғамбар)га ва унинг ёрқин юлдузлардек асҳобларига мақтовлар бўлсин!

(870) (Аmmo) баъд дўстлик ва иттифоқлик ва ҳиссиёти камоли муҳаббат ва мурувват туфайли Сизга чексиз самимий саломлар ва муносиб совғалар йўлладик. Шеър:

Шавқ-муҳаббат масофа йироқлигидан йўқолмайди,

Тиғ эса, бирор сўз айтдими, тишлардан ажралади.

Ироқ мамлакатларини забт қилиш учун (ҳозир) бизнинг ғалаба оятлари битилган байроқларимиз кўтарилган ҳам саодатдан дарак берувчи туғларимиз тикланган бир вақтда хаёлга келган иштиёқ ўзига тортиши ва бирдамлик фикрлари даъват қилиши бўйича сизнинг аҳволингизни билиш, саодатли умидларингиз ушалаётганидан хабар олиш (лозим бўлди). Сўнг сизга маълум қиламизки, Оллоҳи таоло уларнинг иззат ва эҳтиромини оширгур икки шариф ҳарам (Макка ва Мадина) учун бизнинг қўл остимиздаги мамлакатларда ажратилган баъзи в а қ ф лардан нимаики унаётган бўлса, ҳар йили у ерлар (Макка ва Мадина)га юбориб турибмиз. Лекин ундан (у ерлар) фуқаролари ва дуоғўйларига лозим бўлган миқдорда бирор нарса бориб етмаётганлиги ҳақида хабарлар кўпайиб, белгилар зиёдалашиб бормокда. Ана шунга биноан, биз сизнинг ҳузурин гизга улуг мавлоно, етук фазилатли, билимдонлар саромади, Камолуддин Абдурраззоқни юбордик, Оллоҳ таоло уни ўзига муносиб даражаларга юксалтирсин. У бизнинг ҳазрат қозимиз ва имомимизнинг вориси, бизга икки қўл орамиздек яқин имомимиздир. (Сиз энди) икки шариф ҳарамлар (Макка ва Мадина) аҳлига буюрсангиз, токи улар бир солиҳ кишини муайян кўрсатсалар, уни элчиликка борган мавлоно (Абдураззоқ) таниб олса, у солиҳ киши ҳар йили келиб мазкур в а қ ф унумини олиб кетса ва вожиб сарфларга ҳамда унга ҳаҳли эканлиги аниқ исботланган кишилар заруратига етказса.

Яна шундай бўлмоғи лозимки, олий мактублар юбориб туриш эшиклари доимий бир қоидага мувофиқ очик ва элчилар алмашилиш йўллари гавжум бўлсин. Ҳол-аҳвол ва қизиқиш туғдирувчи бошқа нарсалар ҳақида сўзлаб бериш мазкур улуг мавлоно (Абдураззоқ)га юклатилган. Оллоҳи таоло уни мақсадлар чўққисига ҳамда мақсадлару иштиёқдар ҳажига етказсин!

Ушбуни саккиз юз эллигинчи йили муқаддас зу-л-қаъда ойининг ўрталарида (1 феврал, 1447) битилди. Икки олам эгаси Оллоҳга ҳамд бўлсин! Тўғри йўлдан юрувчига саломлар бўлсин! Эй тангрим, охирини бахайр, оқибатини гўзал қилгин!»

Шаъни улуғ султон, салтанат ва диннинг шуҳратини орт-тирувчи мирзо Султон Абу Саъид кўрагон, — унинг султонлиги шарҳи ва ҳукмронлик муддати, иншооллоҳ, кейинроқ сўзланади, — ушбу варақларни тўпловчи (Абдураззоқ)ни саккиз юз етмишинчи (24 август 1465 — 12 август 1466) йили ўз ҳузурига талаб қилиб, Миср нишон-хати ва у аҳвол шарҳидан савол қилди, нишон-хатни олиб муҳр босилган жойини синчиклаб кўрди ва нишонни форсий тилга айлантисинлар, деб буюрди. (Султон) марҳамати билан тақдирланган, жаҳоннинг ифтихори мавлоно Жамолуддин Абдурахим нишон-хатни форсчага таржима қилиб (Абу Саъидга) арзга етказди ва мазмунини муносиб йўсунда баён қилди.<sup>24</sup>

Мисрликларда кейинчалик ҳам Шоҳрух қисваси деган тушунча ўрнашиб қолгаи бўлса керак. Зеро, то 1452 йилгача айнан шу ном билан Каъба устига қисва ёпиб турилди. Ниҳоят, шу йили Султон Чақмоқ гўё умуман Ислом оламининг ва хусусан Миср афкор оммасининг шуурини ҳисобга олиб, Шоҳрух қисвасини олиб ташлаш ва фақат Миср султони қисваси билан чекланиш ҳақида амри фармон берди.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, бир томондан, Марказий Осиё ва Миср ўртасида XV асрда жўшқин дипломатик алоқалар мавжуд бўлганидан далолат берса, иккинчи томондан, Амир Темур давридан бевосита кейин ҳам Шоҳрух мисолида Марказий Осиё ҳокимлари мусулмон дунёсида кўзга кўринган мавқе, қолаверса, умумий парокандалик шароитида ҳатто раҳнамоликка даъвогар бўлганлигини аниқ исботлаб беради.

---

<sup>24</sup> Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Ўзбекистон. 2008. Б. 194-197.

## **2 – БОБ Темурийлар ва Хитой давлатининг ўзаро дипломатик алоқалари**

### **2.1 Амир Темур даврида Хитой давлати билан дипломатик алоқалар.**

1368 йилда Хитойда давлат тўнтариши бўлиб, ҳокимиятга Мин сулоласи келган эди. Натижада собиқ «мўғул ҳукмдорлар» Хитой худудидан ҳайдаб чиқарилади. Ўрта Осиё тарихининг билимдони академик В. В. Бартольднинг Амир Темур ҳамда Мин сулоласининг тарихий манбаларидан олиб берган маълумотига қараганда, 1387 йилда Амир Темур Мавлоно Ҳофиз номли кишини элчи қилиб Хитойга юборган. Хитой императорига элчи билан бирга бож тариқасида 15 та от ва икки туя жўнатган. Шундан сўнг хар йили от ва туялар бож тариқасида жўнатиб турилган. 1392 йилдаги божнинг ёнига бир тўп мато ҳам қўшиб юборилган. Мазкур элчилар Хитойдан қайтаётганда, Хитой императори собиқ мўғул сулоласи ҳукмронлиги даврида Гансу вилоятида ўрнашиб қолган 1200 кишидан иборат мусулмонларни элчиларга қўшиб Самарқандга жўнатган. 1394 йилда Амир Темур Хитойга 200 та от жўнатган. "Шунингдек, Амир Темурнинг Хитой императори номига юборган ёрлиғининг Хитой тилига таржимаси келтирилган. Яна манбада келтирилишича, қайси йилда эканлиги номаълум, Темур тарафидан Хитойга жўнатилган отларнинг сони 1000 га етган. Хитой тарафи ҳам мазкур совғалар эвазига қимматбаҳо тошлар ва қоғоз пуллар жўнатган (қоғоз пуллар элчилар томонидан Хитойнинг ўзида сарф қилинган бўлса керак). Қанчалик тўғри, Хитойдан Темурга биринчи элчи 1395 йилда келган. Элчиларнинг номи Ань Чжи-дао ва Го Цзи бўлган. Элчилар Самарқандга одатдагидек Қашқар ва Фарғона орқали эмас, балки Семиречье орқали келган. Бироқ, мазкур элчиларга Хитойга қайтиш фақат Темур вафотидан сўнг насиб қилган.

Амир Темурга оид тарихий манбалардан маълум бўлишича, Амир Темур Хитой элчиларини 1397 йил охирида Сирдарё бўйида қишлаётган вақтида қабул қилган эди. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, элчилар кўп тухфалар келтирганлар ва ҳукмдорнинг марҳаматига сазовор бўлиб,

қайтиб кетишга ижозат олганлар<sup>1</sup>. Агар биз хитой элчиларини ушланиб қолганлиги ҳақидаги маълумотни билмаганимизда эди,— деб ёзади В. В. Бартольд,— у ҳолда бу сўзлардан, элчилар Хитойга қайтиб кетганлар, деган фикр келиб чиққан бўларди, албатта.

Элчиларнинг ушлаб қолиниши, албатта яхшиликдан далолат бермас эди. Хитойда мўғул сулоласи ҳукмронлигининг тугатилишидан сўнг, ҳокимиятга Мин сулоласининг келиши Хитойдаги мусулмон фуқароларининг аҳволи ёмонлашувига олиб келади. 1398 йилда Хитой императорининг буйруғи билан 100 минг мусулмон фуқароси қатл қилинади. Бу воқеалардан Амир Темур беҳабар бўлган деб бўлмайди. Чунки Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомий ҳамда Гиёсиддин Алиларнинг ёзишича, 1398 йили Амир Темур Хитойга бориб «бутпарастлар»ни кириб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.<sup>2</sup>

XIV асрнинг охириги ўн йиллигига келиб Амир Темур Жетани (Мўғулистонни) ўзига бутунлай тобеъ қилади. Бу то-беъликнинг рамзи сифатида Амир Темур Жета хони Хизр Хожанинг қизи Тўқал хонимни никоҳлаб олади.

Мўғулистон устидан эришилган ушбу катта ғалаба Амир Темур давлатининг Хитой билан савдо-элчилик муносабатларини йўлга қўйишга имкон берди, зеро савдо йўли Мўғулистон орқали ўтарди. Савдо алоқаларининг ривожига Амир Темур алоҳида этибор берган, чунки улар Мовароуннахрнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий қудратини юксалтиришга кўмаклашарди. Бундан илгари, яъни 70 —80-йилларда Хитой ва Мўғулистонда мавжуд мураккаб сиёсий вазият савдо — элчилик алоқаларининг ривожланишига монелик қилиб келди.

Хитойда 1368 йили Юань мўғул сулоласи тугагач, йирик марказлашган Мин салтанати (1368 — 1644) ташкил топди. Дастлабки пайтларда

---

<sup>1</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. /Сўз боши, таъбил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А.Ахмад ва Ҳ.Бобобеков, -Т.: Шарқ, 1997. Б. 191

<sup>2</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома ўша нашр.Б 224.

Хитойнинг сиёсатидаги асосий муаммо мўғулларнинг янги хужумига йўл кўймасликдан иборат бўлган, зеро бундай хавф мавжуд эди.

Шу боис Хитой ўзининг шимолий сарҳадларида мўғуллар билан тез-тез тўқнашиб турарди. Натижада, XIV асрнинг сўнги йилларида Мин салтанатининг чегараси мустаҳкамланиб, кейинги йилларда ҳам деярли ўзгармай қолди: шимолда Буюк Хитой девори, шимоли-ғарбда Гань-су вилояти ва ғарбда Цинхай вилоятининг шарқий қисми билан чегараланган эди.

Мин сулоласининг ҳокимият тепасига келиши ва уни мустаҳкамлаш билан боғ-лиқ ҳарбий тадбирлар Хитойнинг бошқа давлатлар, жумладан, Амир Темур дав лати билан савдо-элчилик алоқаларини тўхтатиб қўйди. Шу сабабдан, XIV аср иккинчи ярмининг дастлабки икки ўн йил-лиги давомида мусулмон манбаларида ҳам, Хитой манбаларида ҳам савдо-элчилик алоқалари бўлганлиги қайд этилмаган. Амир Темур 1389 йили Мўғулистонни узил-кесил ўз тасарруфига киритгач, Хитой билан савдо-элчилик алоқалари тикланди.

Ўша давр Хитой манбаларидан бири «Мин ши лу»да 1389—1398 йиллар оралиғида Хитойга Амир Темур номидан тўққиз марта элчи келганлиги қайд этилган. Хитойдан, ўз навбатида, 1395 йили Фу Ан бошчилигида Самарқандга — Амир Темур хузурига элчилар юборилган: у Хитойдан қайтган Амир Темур элчилари билан йўлга чиққан эди<sup>1</sup>.

Хитой солномаларида 1403 — 1449 йиллар давомида Хитойга Самарқанддан ўттиз уч марта ва Ҳиротдан ўн тўрт марта, шунингдек, Темурийлар давлатининг бошқа вилоятларидан ҳам бир қанча элчилар келганлиги қайд этилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Амир Темур даврида ҳар икки давлат ривожланиш босқичида эди ва улар 1389 йилдан эътиборан ўзаро кенг дипломатик алоқаларни олиб бора бошлади.

---

<sup>1</sup> Амир Темур жаҳон тарихида – Т.: Шарқ. Б. 121

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, баъзи адабиётларда Амир Темур давлати Хитойга доимий равишда ўлпон юбориб турганлиги ва Хитой элчилари сўнгги йилларда ўлпоннинг жўнатилмаганлиги сабабини аниқлаш учун 1403 йили самарқандга ташриф буюрганлиги таъкидланади. Аслида бу умуман бўлмаган гап. Хитойда бошқа мамлакат ҳукмдорларидан юборилган совға-саломларни ўз халқига ўлпон сифатида кўрсатиш одати бўлган. Ҳолбуки, ўзлари ҳам жавоб сифатида катта-катта совға-саломлар юбориб турганлар.

## 2.2 Амир Темур ворислари даврида Хитой билан дипломатик алоқаларнинг ривож топиши.

Шохрух даврига келиб Хитой ва темурийлар давлати ўртасида қизгин дипломатик алоқалар олиб борилган.. Қуйида Хитой элчиларининг Шохрух давлатига биринчи бор элчи жунатишлари ва уларни кутуб олиниси ҳақида сўз боради: “Шаън-шухратли ҳақ таоло ўз лутфи билан қайси бир саодатмандга танланганлик жомасини кийгизиб, уни фуқароларнинг барча табақалари устидан ҳукм юритувчи ва амр этувчи қилса у давлатманд масрурлик ё мусибатлилик [чоғлари]да тангри томонидан белгиланган чегарадан ташқари чиқишни хоҳ махфий, хоҳ очик-ойдин тарзда жоиз тутмаслиги, [ўзига берилган] неъмат ҳаққиға инсон амалларининг сараси бўлмиш адлу эҳсонни орттириш билан риоя қилиши, давлат кўпайганлиги ва улуғлик зоҳир бўлганлигига қарамай < агар оллоҳнинг ўзи истамаса мен нафга ҳам, зарарга ҳам эга эмасман > [оятини] тўла эътиқод билан эътироф этиши лозим ҳамда инсонлик юзасидан [қараганда] Одам авлоди орасида биронта ҳам тафовут йўқлиги, [улар орасида] мавжуд фарқ эса истаган [кишисига] беҳисоб ризқ ато этувчи> ҳукмдорлар ҳукмдори бўлмиш [оллоҳ] фазлининг атосидан ўзгача бўла олмаслигини, бу давлатнинг қўлга киришию бу мурувватнинг турғунлигига раиятпарварлик ва марҳаматлилик билан муяссар бўла олишини аниқ билмоғи лозим. Ана шундагина, ҳар қалай, замона ўз елкасига ҳиммат ёпиғини ёпади ва гардун ўз қулоғига итоаткорлик ҳалқасини илади.

Бу дебочадан мақсад ва бу ўғитдан матлаб шуки, ҳумоюн мавкаб Сеистон юришидан қайтиб келганидан кейин, Хитой подшоҳининг соҳибқирон ҳазратлари [вафоти] туфайли таъзия билдириш учун юборган элчилари совға-саломлар билан етиб келдилар ҳамда ўз подшоҳлари сўзини

арзга етказдилар. Ҳазрат хоқони саид улар борасида марҳамат ва иноятлар кўрсатиб, қайтиб кетишларига ижозат буюрди”<sup>1</sup>.

Юқоридаги маълумотда Хитой элчиларининг биринчи Шоҳрух давлатига келиши ва уларнинг мақсадлари акс этган. Албатта, улар ўз мақсадларини Амир Темур вафоти муносабати билан Шоҳрух мизога ўз таъзияларини билдириш деб кўрсатган бўлсаларда, улар аслида бу давлатдаги ижтимоий –сиёсий вазиятни ўрганишни, у билан олиб борилиши мумкин бўлган дипломатик алоқаларнинг келажагини тасаввур қилишни мўлжаллаган бўлсалар керак. Чунки шундан сўнг Хитойдан темурийлар давлатига кўплаб элчиларнинг келиши шундан дарак беради деб ўйлаймиз.

Абдураззоқ Самарқандий кейинги элчилик ҳақида шундай маълумотлар келтиради: “Шу орада Хитой вилоятидан, у мамлакатларнинг Чину Мочин ва бошқа ерлари подшоҳи Дой-Минг хон тарафидан элчилар етиб келди. [Хоқони саид томонидан]: «Шаҳар ва бозорларга зийнат берилсин, ҳар бир санъат эгаси ўз ҳунарини тўла зоҳир қилиб дўконини безатсин»,— деган ҳумоюн фармон содир бўлди.

Амирлар истиқбол расми бўйича [шаҳардан] ташқари чиқиб элчиларнинг ҳаммасини иззат-ҳурмат билан шаҳарга олиб кирдилар. [Бу] худди ёшлик чоғидек шодликни орттирувчи бир замон ва висол кечасидек ғамни тарқатувчи бир он эди. Ҳазрат хоқони саиднинг фармони бўйича Боғи Зоғонга худди жаннат боғидек оро бериб, Баҳром савлат, шер ҳайбат ясовуллар ҳар кимюгаг [ўзига хос] жой ва макон тайин қилдилар. Ҳазрат хоқони саид худди баландлик авжидаги офтоб сингари хуршид чехра билан салтанат тахтига кўтарилди. Улуғ амирлар элчиларни кўл ўпиш шарафига етказиб, тортиқларни қўйдилар ва уларнинг сўзларини арз қилдилар. Хитой подшоҳининг мактуби қуйидаги мазмунда эди.

Хитой подшоҳи мактубининг сурати: «Дой-Минг, подшоҳи муаззам, Самарқанд диёрига Шоҳрух баҳодир учун нома юбормоқда! Биз фикр

---

<sup>1</sup> Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Фан.1969. Б. 123

киламизки, худованди таоло ер билан осмон ўртасидаги жами халойиқни уларнинг ҳар бири роҳат ва фароғатда яшасин. деб яратган. Биз худойи таолонинг мададкорлигида илоҳий ҳукмга бўйсуниб жаҳондорлик қилиб келмоқдамиз. Шу сабабли биз яқину йироқ орасида фарқ қилмаймиз, ҳаммани бир текис, баробар биламиз. Бундан илгари эшитган эдикки, сен оқил ва камолотга етган кишисан ва бошқалардан улуғроқсан, худованди таолонинг амрига итоат қилиб келмоқдасан, раият ва аскарларни парвариш қилиб, уларнинг ҳаммасига эҳсону яхшилиқлар кўрсатибсан; шу сабабли биз беҳад шод бўлдик. Алалхусус, кимхоб ва тарқу кийимларни етказсин учун, элчи юбордик; элчи у ерга етиб боргач, сен бизнинг сўзларимизга ҳурмат билан қараб марҳаматимизни яхши юзага чиқарибсан, катта-кичик ҳамма шодмон бўлибдилар ва сен ҳам дарҳол элчи юборибсан; элчилар сенинг саломингни, отлар ҳам у диёр матоларидан иборат тухфаларингни етказдилар. Сенинг дўстлик йўлида эканлигингни кўрдим: сен мақтов ва навозишга сазовор экансан. Илгарироқ мўғуллар даври охирига етган эди. Сенинг отанг Темур фумо худованди таолонинг амрига итоат қилиб, бизнинг улуғ подшоҳимиз Той-Зуйга нисбатан яхши дўст бўлиб, элчилар ва тухфаларни қат қилмаган. Шу сабабли [Той-Зуй] у диёрнинг [Хитой-даги] одамларига омон бериб, ҳаммасини давлатмандликка етказган. Биз ҳам кўрдикки, сен отангнинг ҳиммат ва равишига яхши мутобиат қилибсан. Энди Су-Жўнинг Қасой ва Ҳазораси одамларидан Ду-Жи-Хун-Бойни ва Сун-Қун-Жи садаси[дан] Донг-Чингни бир гуруҳ кишилар билан қўшиб, садоқат зоҳир бўлсин учун табрикнома, кимхоб кийим ва тарғулар билан юбордик. Бундан кейин ҳам одамларни юборамиз, токи улар борди-келди қилсинлар ва йўллар кесилиб қолмасин; улар ўз истакларича тижорат ва касб қилсинлар.

Халил Султон сенинг биродарзоданг; ўз туғишганлик ҳаққингни бажо келтирмоғинг учун сен уни яхши тарбият қилишинг керак. Сен бизнинг садоқату райимизга ҳамкорлик қилишинг лозим. Билдириб қўймоқчи бўлганимиз ана шу».

Бу мактубга кўшиб яна бир мактубни юборган эдилар, унда жўнатилган совға-тухфалар муфассал тарзда битилган эди. // Яна бир [мактуб] йўл хати кабилида бўлиб, у элчилар учун эди. Уч мактубнинг ҳар бири форс хати билан форс тилида ёзилган ва худди ўша мактубда сўз мазмуни мўғул хати билан туркий тилда ёзилган, яна ўша мактубда ўша мазмунни хитой хати билан ўз [хитой] тилида ёзган.

Хоқони саид ҳазратлари мактубни [ўқиттириб] эшитиб, унинг нозик мазмунини ўткир фикр билан мулоҳаза қилди ва мақсадларини тўла тушуниб олгач, ҳаммани иштирок этишга чақириб, «Амирлар элчилар шарафига тўй берсинлар»,— деган фармон содир бўлди.»<sup>1</sup>

Юқорида келтирилган матндан шундай хулосалар чиқариш мумкинки, дастлабки элчиликнинг самарали бўлганлиги иккинчи элчиликка йўл очиб берган. Унда Темур замонида ҳам ҳар кики томон ўртасида дўстлик алоқаларининг мустаҳкам бўлганлиги таъкидлангани ҳолда, Амир Темурнинг Хитойга юриш бошлаганлиги эсланмаслиги Хитой томонининг дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш ниятида эканлигини исботлайди. Лекин шу ерда Халил Султон ҳақида Хитой императорининг фикрлари қизиқарлидир. Император афтидан Халил Султон ва Шохруҳ мирзо ўртасидаги тож-тахт курашларидан хабардор бўлган бўлса керак. Унга албатта, ягона темурийлар давлатидан кўра, бу давлатнинг Халил Султон ва Шохруҳ Мирзо ўртасида тақсимлангани маъқул бўлса керак. Чунки шунда темурийлар давлати Хитой учун бир мунча хавфсиз бўлиб қолар эди. Лекин Хитой элчилари етиб келган вақтда Халил Султон вафот этган эди.

Кейинги бўлимлардан бирида Абдураззоқ Самарқандий хитой элчиларининг жўнатилиши ҳақида сўз юритиб қуйидагиларни баён қилади :

“Хитой элчиларининг муҳим ишлари тўла битганидан кейин, уларга ижозат берилиб, қайтиб кетдилар. Шайх Муҳаммад Бахший элчилик расми бўйича улар билан бирга равона бўлди. Хитой подшоҳи то шу вақтгача ислом

---

<sup>1</sup> Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Фан.1969. 174-175

дини́ни қабул қилмаганлиги ва шариат талаби бўйича иш тутмаётганлиги сабабли ҳазрат ҳокони саид дўстлик юзасидан: «Зорайики у ҳидоят нури туфайли имонга мушарраф бўлса»,— деган умидда араб ва форс тилларида ёзилган икки насиҳатномани юборди.

Арабча мактуб сурати: < Бисмиллоҳ ар-рахмон ар-рахим! Бир оллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Муҳаммад оллоҳнинг расулидир! Оллоҳнинг расули, яъни Муҳаммад алайҳиссалом айтган: менинг умматларимдан кимки оллоҳнинг амрига ҳозир турса, у сира камлик кўрмайди, уларни хорловчи ва уларга зидлик қилувчилар ғалаба қозона олмайдилар. Оллоҳнинг амри [билан қиёмат қоим] бўлгунига қадар улар шундай [азизликда] бора берадилар.

Оллоҳи таоло Одамни ва унинг зурриётини яратмоқчи бўлганида: «Мен махфий бир ганж эдим, ўзимни танитмоқни истаб махлуқларни яратдим»,— деди. Шунга кўра маълум бўладикки, қудрати улуғ, сўзи устун бўлган зотнинг инсон навини яратишдан [кўзда тутган] ҳикмати ўзини танитиш аломатларини тиргизиш ва ҳидоят ҳам имон байроқларини баланд кўтаришдир. У, гарчи кўп худоликлар севмасалар ҳам, [ҳақ динни] барча динлардан устун қилмоқ ҳамда шариатни, ҳукмларни ҳам ҳалолу ҳаром қонун-қоидаларни [инсонларга] ўргатмоқ учун, ўз расули [Муҳаммад]ни ҳидоят ва ҳақ дин билан [инсонлар орасига] юборди ҳамда унга, мункирларни гунгу лол қилиб низо ва мунозалардан тилларини тийсин учун, мўъжиза тариқаида шуҳратли қуръонни ато қилди ва ўз комил иноятию тўлиқ ҳидояти билан у қуръонни қиёматгача жорий қолдирди. У ўз қудрати билан ҳамма вақту замон ва фурсату онларда Шарқ, Ғарб ва Чиндан иборат оламнинг барча ерларида қудрат ва имкон эгасию беҳисоб лашкар ва салтанат соҳибини тайин қилди ва [уларнинг зиммасига] адолат ва эҳсон бозорларига ривож бериш, барча халойиқ бошига амну омонлик қанотларини ёйиш, халойиқни [шариатда] руҳсат этилган ишларга йўллаб, ман этилган ишлар ва туғёнлардан қайтариш, улар кўмагида шарафли шариат мартабасини улғайтириш, оллоҳнинг яккаю ягоналигини уқтириб улар орасидан кўп худолик ва кофирликни йироқлатиш [вазифасини юклади].

Оллоҳи таоло ўз азалий лутфу марҳамати ҳам абадий фазли билан пок шариат қонунларини барпо этиш ҳам зоҳир тариқат қоидаларини давом эттиришга бизни муваффақ қилди ҳамда, оллоҳга ҳамд бўлсинки, халойиқ ва раиятлар орасида содир бўлиб турувчи воқеа ва кечмишларни пайғамбар шариати ва сара ҳукмлари бўйича ажрим қилиб туришни бизга амр қилди. Илмларнинг нишонун белгилари йўқ бўлиб кетмасин ҳамда шариатнинг асар ва маросимлари унутилмасин учун бизга ҳар бир ерда масжиду мадрасалар қуриш ва хонақоҳу ибодатхоналарни обод қилишни буюрди.

Бу паст дунё ва унинг салтанати бақосига, ҳукумат ва сиёсатининг давомли бўлишига ҳоққонияту тўғрилиқни қўллаб-қувватлаш ва хайру-саваб умидида ер юзидан кўп худолигу кофирлик зарарларини йўқотиш билангина эришиш мумкинлиги туфайли у (хоқон Дой-Минг) тарафидан ва давлат арбобларидан кутилган умид ва орзу шуки, улар мазкур ишларда бизга ҳамкорлик кўрсатиб, шариатнинг маъмур қоидаларини мустаҳкамлашда бизга шериклик қилсалар ҳамда элчилар ҳам хабарчилар юбориб турсалар, сайёҳ ва савдогарлар учун йўлларни очиқ тутсалар, токи дўстлик ва муҳаббат сабаблари таъкидланиб, бирлик ва якдиллик воситалари қувват топса ва [бинобарин], мамлакатлар атрофларидаги халқлар тоифалари роҳатга эришса, фуқароларнинг барча табақалари орасида тириклик воситалари тартибга тушса. Раҳбарлик [қилувчи]га эргашганларга салом! Оллоҳ бандаларига меҳрибондир!>

Форсча мактуб сурати: Шоҳрух султондан Дой-Минг подшоҳ тарафига таърифга сиғмас [беҳад] саломлар!

Худованди таоло етук ҳикмат ва тўлиқ кудрати билан Одам алайҳиссаломни яратгач, унинг фарзанларидан баъзиларини пайғамбар ва расул қилиб, ҳақ йўлга даъват қилсинлар учун уларни чинакамига халқ орасига юборди. Яна, бу пайғамбарлардан баъзиларига, масалан, Иброҳим, Мусо ва Довуд алайҳиссаломларга китоб юбориб шариатдан таълим берди ва ўша замон халқига шариатга амал қилишни ва [мазкур пайғамбарлар] динида бўлишни буюрди. Бу расулларнинг барчаси кишиларни бир динга ва

худопарастликка даъват қилиб, офтоб, ой, юлдуз, шайтон ва бутларга сиғинишдан қайтардилар.

Бу расулларнинг ҳар бирига махсус бир шариат бўлиб, лекин худонинг якка-ягоналиги борасида ҳаммалари бир эдилар.

Расуллик ва пайғамбарлик навбати бизнинг расулимиз Муҳаммад мустафога,— саллоллоҳу алайҳи ва саллама, — етгач, бошқа шариатлар мансух бўлиб, у охируззамон расули ва пайғамбари бўлди. Бутун олам аҳли: амиру султон, ғанию вазир, фақир ҳам каттаю кичик барчаси унинг шариатига амал қилишлари лозим ҳамда ўтган дин ва шариатларни тарк қилишлари керак. Ҳақиқий ва тўғри эътиқод ана шудир ва мусулмонлик ҳам шундан иборатдир.

Бундан бир неча йиллар илгари Чингизхон хуруж қилди ва ўзининг баъзи фарзандларини вилоятлар ва мамлакатларга жўнатди: Жўжихонни Сарой, Қрим ва Дашти Қипчоқ тарафларга юборди. У ерда яна Узбек, Жонийхон ва Урусхонларга ўхшаш баъзи подшоҳлар ислом ва мусулмонлик тепасида туриб, ҳазрат Муҳаммад мустафонинг, саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллама,—шариатига амал қилиб келганлар. Ҳулокухонни Хуросон, Ироқ мамлакатлари ва атроф ерларига муқаррар қилдилар. Ана шундан кейин у мамлакатларнинг ҳокими бўлган унинг баъзи фарзандлари, масалан, ростгўй подшоҳ Ғозон, Улжой-ту Султон ва бахтли подшоҳ Абу Саидлар, дилларида Муҳаммаднинг саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллама,— шариати офтоби бўлганлиги туфайли, ислом ва мусулмонлик тепасида турдилар> ҳамда ислом дини[ни қабул қилиш] саодатига мушарраф бўлиб, охиратга жўнадилар. Шу тарзда ҳукмдорлик ва фармонраволик, султонлик ва комронлик навбати менинг падарим ҳам ҳазратим ётган тупроғи пок бўлгур амир Темур кўрагонга етди. У киши ҳам барча мамлакатларда Муҳаммаднинг,- саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллама,— шариатига амал қилдилар. У киши салтанат ва жаҳондорлик қилган вақтларда аҳли имои ва ислом тўла равнақ топган эди.

[Ҳозирда] худованди таолонинг лутфу фазли билан. бу Хуросон, Мовароуннахр, Ироқ ва бошқа мамлакатлар [бизнинг] тасарруф қўлимизга кириб, мамлакатларнинг барча ерларида пайғамбарнинг муқаддас шариати тақозосича ҳукм юритадилар; эзгулик ишларни бажаришга амр қилиниб, ман этилган амаллардан қайтарилмоқда ва Чингизхоннинг яргу ва коидалари жорийдир. Қиёматда халосу нажот топиш ва бу дунёда салтанату давлатга эга бўлиш имону ислом ва худованди таолонинг инояти сабаби билангина қўлга кириши аниқ билиниб, таҳқиқ қилинган бўлгач, раиятга нисбатан адолат ва инсоф юзасидан иш кўриб яшаш вожибдир.

Оллоҳ таолонинг лутфу карамидаи умид шуки, жаноблари ҳам у мамлакатларда ҳазрат Муҳаммад расулуллоҳнинг, — саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллама,— шариатига амал қилиб, мусулмонларга қувват бағишласалар, токи [шу сабаб бўлиб] бу дунёдаги бир неча кунлик подшоҳлик, [оятда]: <Албатта сен учун охират бу дунёдан кўра яхшидир<sup>13</sup>> дейилганидек, охират подшоҳлигига |уланса.

Шу кунларда у (Хитой) тарафдан элчилар етиб келиб тухфалар етказдилар ва жанобингизнинг саломатликлари, у мамлакатлардаги маъмурчилик хабарларини сўзлаб бердилар. <Оталарнинг [ўзаро] муҳаббати, болаларни [бир-бирига] яқинлаштиради> [деган мақол] тақозосича, оталар орасидаги муҳаббат ва дўстлик [биз орқали] янгиланди. Биз ҳам бу тарафдан, саломатлик хабарини етказсин учун, Муҳаммад Бахший элчиини юбордик; шу нарса муқаррардирки, савдогарларнинг тинч-омон бориб келишлари учун бундан буён йўллар очиқ бўлур, чунки бу маъний мамлакатлар ободонлиги ва бу дунё ҳам охиратда яхши номга эга бўлиш сабабидир.

Бирликка риоя қилиш мадади ва муҳаббат шартлари ғамхўрлиги итоаткорлар аҳлига йўлдош бўлғай!»<sup>1</sup>

Юқоридаги матндан кўриниб турибдики, Хитой ҳукмдорининг Халил Султон масаласида Шохруҳ давлатининг ички ишларига маълум даражада

---

<sup>1</sup> Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Фан.1969. Б. 176-178

аралашигга интилиши, Шоҳруҳ томонидан салбий қабул қилинган. Шоҳруҳ Мирзо ҳам гўёки бу ҳолни сезмагандек кўринсада, Хитой ҳукмдорини ислом динига даъват этиши маълум даражада Хитой давлатининг ички ишларига аралашиг, ундан юқори туришга интилиш бўлиб, Хитой давлатига ўзига хос жавоб эди.

Навбатдаги марта Хитой элчилари 1417 йили ташриф буюрдилар. Бу элчиликдан мақсад савдо алоқаларини тобора ривожлантириш бўлса керакки, бу сафарга мактубда ҳеч қандай сиёсий фикрлар билдирилмаган эди. Бу сафарга элчиликда Хитойдан темурийларнинг амирларидан бирига тасвирий санъат асарини юборганликлари ҳам қизиқарлидир. Қуйида навбатдаги элчилик ҳақида Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотларини келтирамиз:

“Хитой подшоҳи Дой-Минг хон яна элчилар юбориб, улар [шу 820 йили] рабиъ ал-аввал ойида (18 апрель—17 май, 1417) [Хиротга] етиб келдилар. Уларнинг бошлиқлари Би-Бочин, Ту-Бочин, Жот-Бочин ва Татқ-Бочинлар уч юз отлик билан бирга совға-саломлар, шунқорлар, атлас ва кимхоблар, тарғу, чинни асбоблар ва бошқалардан иборат кўп ҳадяларни келтирдилар; шаҳзодалар ва оғолар учун эса алоҳида<sup>18</sup> подшоҳона ҳадялар келтирган эдилар. Шунингдек, ўтмишдаги алоқаларни [яқунловчи] безак бўладиган ва келажакдаги ўзаро хайр-хоҳлик учун асос бўладиган сўзларни ўз ичига олган бир мактубни ҳам келтирдилар. Мазмуни шундай: «Ҳар икки томондан ҳам ғайрилиқ ва бегоналиқ пардаси даф қилинмоғи, мувофиқатчилик, бирдамлик эшиги очилмоғи лозимдир, токи раиятлар ва савдогарлар ўз истак-ихтиёрлари билан бориб келсинлар, йўллар беҳавотир бўлсин». Биринчи марта [Хитой] элчилари келиб, яна қайтиб кетаётган вақтларида // амир Саййид Аҳмад тархон подшоҳга атаб бир тўриқ отни юборган эди. У от подшоҳ назарида ғоят таҳсинга сазовор кўринган ва подшоҳ от эвазига амир Саййид Аҳмадга кўп ҳадялар жўнатган ва ўша отнинг жиловини икки тарафдан икки ахточи тутиб турган ҳолдаги [Хитой] наққошлари чизган расмини ҳам юборишган эди. Элчиларни меҳмон қилиб, керак-яроқларини ҳозирлаб, юқорида айтилганидек, қайтариб юбордилар.

Онхазрат Ардашер тавочини элчиларга ҳамроҳ қилиб Хитой томон жўнатди”<sup>1</sup>.

Шоҳрух даврида Темурийлар давлати-нинг Хитой билан элчилик алоқалари 1409 йилдан, Ҳиротга Хитой элчилари келган пайтдан бошланганлигини юқорида таъкидладик. Элчилар Амир Темур вафоти муносабати билан таъзия билдириш учун ташриф буюрган эдилар. Кейинги йилларда бу алоқалар мунтазам давом этди.

Ҳофизи Абрунинг тарихий-географик («География») асарида Хитойдан 1409, 1412 ва 1417 йилларда Хиротга элчилар келганлиги ҳақида хабар берилади. Бу асар 1417 йил воқеалари баёни билан тугаганлиги сабабли, Ҳиротга 1419 йили келган Хитой элчилари ҳақидаги хабар ушбу тарихчининг кейинроқ ёзган «Зубдат ат-тавориҳи Бойсунғурий» («Бой-сунғурга бағишланган сара тарих») асаридан, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асаридан ўрин олган.

Кейинги Хитой элчилари дастлаб Са-марқандда тўхтаганлиги, сўнгра Ҳиротга бориб, у ердан турли вилоятларга — бир гуруҳи Шерозга — Иброҳим Султон ҳузу-рига, яна бир гуруҳи Хоразм волийси амир Шоҳ Малик ҳузурига борганлиги маълум.

Бунга жавобан Темурийлар давлати-дан Хитойга жами 500 кишидан ортиқ эл-чилар гуруҳи юборилган ва унда турли вилоятлардан вакиллар бўлган: Ҳирот гуруҳи — Шодихожа (Шоҳрух элчиси), Султон Аҳмад ва Хожа Ғиёсиддин Наққош (Бойсунғур элчилари); Шероздан амир Ҳасан (Иброҳим Султон элчиси); Исфаҳондан Паҳлавон Жамол (Рустам элчиси); Самарқандда уларга Кобул ва Ғазна ҳокими бўлмиш Суюрғатмиш элчиси — Арғадок, Хоразм волийси Шоҳ Маликнинг элчиси — Урдубон ва Бадахшон шоҳининг элчиси — Тожиддин қўшилди.

Улуғбекнинг элчилари эса Султоншоҳ ва Муҳаммад баҳши бошчилигида икки ой илгарироқ кетган бўлиб, улар Хонбалиқда қўшилдилар

---

<sup>1 1</sup> Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Фан.1969. Б. 242.

ва бирга қайтдилар. Иброҳим Султон ва Рустам элчилари, аксинча, кечрок йўлга чиқиб, асосий элчилар гуруҳини улар сафардан қайтиб келаётган чоғда Сукжу шаҳрида учратганлар.

Ғиёсиддин Наққош зиммасига Бойсунғур томонидан махсус топширик — барча кўрган-кечирганларини кундалик тарзида аниқ ёзиб келиш юкланган эди. Бу вазифа тўқис адо этилиб, Ғиёсиддин Наққош ёзиб қолдирган сафарнома бизгача етиб келган.

Ушбу кундаликда Темурий элчиларнинг босиб ўтган йўли аниқ қайд этилган:

Хитойга бориш: Ҳирот — Балх — Калиф кечуви — Самарқанд — Тошкент — Сайрам — Ашпара — Мўғулистон — Кичик Юлдуз — Турфон — Қорахожа — Қумул — Қоровул (Цзяйю — гуань), яъни Хитой чегараси — Сукжу (Цзюцзюань) — Қамжу (Чжанье) — Қорамурон (Хуанхэ) дарёси — Хуснобод (Ланьчжоу) — Жандинфу (Чжендин) — Хонбалиқ (Пекин).

Хитойдан қайтиш: Хонбалиқ—Қораму-рон дарёси — Хуснобод — Қамжу— Сукжу — Қоровул — Хўтан — Ёркенд — Қошғар — Ан-дигон доवони. Бу ерда элчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, бир гуруҳи Фарғона водийси орқали Самарқандга, иккинчиси Бадахшонга, учинчиси — Қоратегин — Ҳисори Шодмон — Термиз — Балх орқали Ҳиротга йўл олган.

Элчиларнинг йўлига назар солсак, XV асрда Ўрта Осиё билан Хитой ўртасидаги савдо-элчилик йўли қадимги Буюк Ипак йўли билан мос тушганлигини кўрамыз. Бунда Еттисув, Фарғона ва Қоратегин йўналишлари асосий тармоқлар эди. Ҳирот ва Самарқанд эса, ана шу йўналишдаги бош шаҳарлар бўлган.

Ғиёсиддин Наққошнинг «Кундалиги» фанда Ҳофизи Абрўнинг «Зубдат ат-таво-рих» ва Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида қайд этилган шаклда мавжуд ва ҳозир ўзбек тилига ҳам таржима қилинган .

Элчилик алоқаларидан, аввало, давлат-лараро савдо-сотикни ривожлантириш кўзда тутилган, бу ҳақда Темурий ҳукм-дорлар ва Хитой

подшоҳи ёзишмаларида ҳам қайд этилган. Улар йўллаган мактуб-лар Ҳофизи Абру ва Абдураззоқ Самарқандий асарларида сақланиб қолган. Жумладан, Хитой императори ўз элчилари орқали юборган мактубда (1413) шундай сўзларни ўқиймиз:

«Биз садоқат зоҳир бўлсин учун табрикнома, кимхоб кийим ва тарғулар билан элчи жўнатдик. Бундан кейин ҳам одамларни юбориб тураемиз, токи улар бор-ди-келди қилсинлар ва йўллар кесилиб қолмасин; улар ўз истақларича тижорат ва касб қилсинлар»<sup>1</sup>.

Шу кунларда у (Хитой) тарафдан элчилар етиб келиб тухфалар етказдилар ва жанобингизнинг саломатликлари, у мамлакатлардаги маъмурчилик хабарларини сўзлаб бердилар. <Оталарнинг [ўзаро] муҳаббати, болаларни [бир-бирига] яқинлаштиради> [деган мақол] тақозосича, оталар орасидаги муҳаббат ва дўстлик [биз орқали] янгиланди. Биз ҳам бу тарафдан, саломатлик хабарини етказсин учун, Муҳаммад Бахший элчиин юбордик; шу нарса муқаррардирки, савдогарларнинг тинч-омон бориб келишлари учун бундан буён йўллар очиқ бўлур, чунки бу маъний мамлакатлар ободонлиги ва бу дунё ҳам охирада яхши номга эга бўлиш сабабидир.

Бирликка риоя қилиш мадади ва муҳаббат шартлари ғамхўрлиги итоаткорлар аҳлига йўлдош бўлғай!»<sup>1</sup>

Хитойда император Чжу-ди ҳукмдор-лиги йилларида (1402—1424) савдо-элчи-лик алоқаларига ҳалал берувчи кўпгина тўсиқлар, жумладан, турли солиқ ва бож-лар бекор қилинган эди.

Бу, ўз навбатида, ички ва ташқи савдога ижобий таъсир этди. Хитойнинг ғарб-бий мамлакатлар билан савдо алоқалари-да унинг ғарбий йўналиши бўйлаб жой-лашган Сукжу (Цзюцзюань) ва Қамжу (Чжанье) шаҳарлари асосий ўрин тутган.

---

<sup>1</sup> Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Фан.1969. 174-175

<sup>1</sup> Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Фан.1969. Б. 176-178

Олди-сотди ишлари мазкур шаҳарлар-да йўлга қўйилган бўлиб, ажнабий савдо-гарлар пойтахт Хонбаликка онда-сонда боролганлар. Савдогар ва элчиларни ку-затиб борган хизматкорларга кўп ҳоллар-да, Қамжу шаҳридан нарига рухсат бе-рилмаган. Жумладан, темурий элчилар ҳам ўз хизматкорлари ва от-уловларини айнан Қамжу шаҳрида қолдирганлар. Хонбаликкача ва у ердан қайтишларида ҳам уларни император томонидан та-йинланган махсус одамлар бошлаб юрган. Бундан ташқари, Гиёсиддин Наққошнинг ёзишича, Хитой мамлакатига кириш ва чиқишнинг ўзига хос расмийликлари бўлган.

Чунончи, Хитой чегарасида (Қоровул) Хитой ерига қадам қўйган ҳар бир киши-нинг исми ва ташқи қиёфаси махсус дафтарда қайд этилган ва у қайтиб чиқаётган-нида ана шу дафтар маълумотлари асоси-да текширилган.

Тарихий манбалар бу ҳақида қуйидагича ҳикоя қилади: “Шаъбон ойининг ўн еттинчисида (27 август, 1420) элчилар чўлга кириб бир неча кундан кейин қаровулга етдилар. Бу қаровул маҳкам бир қалъадан иборат бўлиб, унинг атрофи тоғ эди. Йўл шундайки, қалъа эшигидан кириш керагу бошқа эшикдан ташқари чиқиб кетиш керак. Элчилар қалъага киргач, ҳаммани санаб номларини ёзиб олдилар ва қалъадан ташқарига чиқишга қўйдилар. Қаровулдан [ўтиб] Сукжў шаҳарига келдилар. До-жилар элчиларни шаҳар дарвоза-сида бўлган бир катта ёмхонага келтириб туширдилар, уларнинг барча нарсаларини олиб, дафтар [хона]га элиб топширдилар. Ейимлик, ичим-лик, палос, от-уловлардан иборат керакли нарсаларни ёмхонада тайёр-лаб қўйган эканлар, ҳар кеча ҳар бир киши учун биттадан кат ва бир жуфт ипакдан тикилган кечалик кийим-бош бир фармонбардор хизмат-кор билан биргаликда тайёр турар эди”<sup>1</sup>.

Хитой ҳукумати бошқа давлатлар билан савдо алоқаларини ривожлантиришда иқти-содий ва сиёсий манфаатларни ҳам кўзда тутган. Бу

---

<sup>1</sup> <sup>1</sup> Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Фан.1969. Б. 308-309.

ҳолат темурий элчиларнинг Хи-той императори билан суҳбатида кўзга яққол ташланди. Хитой подшоҳи Темурийлар давлатининг иқтисодий ва сиёсий аҳволи билан қизиқиб саволлар берган.

Ғиёсиддин Наққош ўз кундалигида бу ҳақда шундай ёзади: Мавлоно Қози келиб у мактубларни олди ва подшоҳ тахти олдида турган бир хожасаройга тутқазди, хожасарой эса подшоҳ олдида элтди. Подшоҳ мактубларни очиб кўрдида, яна қайтариб хожасаройга берди. Подшоҳ курсидан тушиб, тахтга ўтирди. Уч мингта жома келтирдилар: мингтаси дагала ва икки минги кабо. [Подшоҳ] қариндошлари ва фарзандларига кабо кийгизтирди. Элчилардан етти нафари — Шодихожа, Кўкча, Султон Аҳмад, Ғиёсуддин, Арғудок, Урдувон ва Тожуддинларни яқин келтирдилар. Улар тиз чўкиб турганлари ҳолда подшоҳ улардан Шоҳрух ҳазратларининг ҳола-аҳволларидан сўради ва ундан кейин: «Қаро Юсуф [Шоҳрухга] элчи юборадими ва [Ҳиротга] м о л келтирадиларми?» — деб сўради, элчилар: «Ҳа», — деб жавоб бердилар. До-жилар ҳам [Ҳиротда эканликларида] Қаро Юсуфниг элчилари келганлигини ва м о л келтирилганлигини кўрган эканлар. Подшоҳ яна: «У ерда ғалла қимматми ёки арзонми, озиқ-овқат фаровонми?» — деб сўради. Элчилар: «Ғалла арзон ва озиқ-овқат фаровон», — дедилар. У эса: «Ҳа шундай, қачонки дилдан худога содиқ бўлинса, ҳақ таоло фаровон неъмат ато этади», — деди ва яна: «Мен Қаро Юсуфга элчи юбормоқчиман, чунки у ерда отлар яхши экан, йўллар хавф-хатарсизми?» — деб сўради. Элчилар: «Агар султон Шоҳрухдан ҳукм бўлса, йўл беҳавотирдир», — дедилар. У: «буни мен тушунаман», — дедида; сўнг: «Узоқ йўлдан келгансизлар, энди турунглари ва овқат енглари», — деди.<sup>1</sup>

Шуни таъкидлаш керакки, Хитой солномаларида Хитой подшоҳи ҳузурига бошқа мамлакатлардан келган элчиларни ўша жой ҳукмдорининг тобелиги ва улар кел-тирган совға-саломларни эса тўлов деб қайд этганлар. Темурий элчиларнинг Хитойга ташрифи яна бир муҳим воқеа билан ҳам

---

<sup>1</sup> Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Фан.1969. Б. 314

боғлиқ эди. Аниқроғи, ўша пайтда Пекинда катта қурилиш ишлари ниҳоясига етиб, бу шаҳар Хитойнинг пойтахти, деб эълон қилинган. Темурий элчилар ана шу катта тантананага таклиф этилган бўлиши ҳам мумкин.

Амир Темур салтанатида ҳам, ундан сўнг Шохрух ҳукмдорлиги чоғида ҳам Марказий Осиё билан Хитой ўртасида савдо-элчилик муносабатларининг ривожини, аввало Мўғулистондаги сиёсий аҳвол билан бевосита боғлиқ бўлган. Мўғулистонда феодаллар ўртасидаги низолар кўпинча карвонларнинг мунтазам қатновига тўсқинлик қиларди. Гиёсиддин Накқош бу ҳақда, жумладан, шундай ёзади: Сўнг ўнин-чи сафарда (25 февраль, 1420) Хитой элчилари билан биргаликда Самарқанддан жўнаб кетдилар ва Тошканд, Сайром ва Ошпарадан ўтиб, ўн биринчи рабиъ ал-охирда (25 апрель, 1420) мўғул элига қадам қўйдилар ва Увайсхон Шер Муҳаммад ўғлонга қасд қилиб бутун улус оёққа турганлиги ҳақида хабар топдилар, бироқ яна сулҳ тузилганлиги ва фитна таскин топганлиги хабари келди. У диёрнинг соҳиб ихтиёри бўлган амир Худойдод элчилар қошига келиб уларни юпантирди ва Увайсхон ҳузурига жўнаб кетди. Элчилар эса ўн саккизинчи жумод ал-аввалда (31 май, 1420) Муҳаммадбекка тегишли Билғуту деган мавзегача етдилар ва, дожилар ва Бадахшон шоҳининг навкарлари келиб қўшилгунларича, шу ерда тўхтаб турдилар. Сўнг Билғутудан кўчдилар ва йигирма иккинчида (4 июнь, 1420) Қангар сувидан ўтиб, йигирма учинчида (5 июнь, 1420) улус ҳокими Муҳаммадбек билан учрашдилар. Муҳаммадбекнинг ўғли Султон Шоди кўрагон Шох Жаҳоннинг куёви эди, — [шу Шох Жаҳоннинг] бошқа бир қизини мирзо Муҳаммад Жўгий олган эди. Элчилар йигирма саккизинчида (10 июнь, 1420) Юлдуз ўлкаси ва Шер Баҳромнинг элига кирдилар. Офтоб саратон [буржи]да эканлигига қарамай бу биёбонда сув икки энлик ях боғлаган эди. Саккизинчи жумод ал-охирда (20 июнь, 1420) Увайсхоннинг элчиси бўлмиш дожини Муҳаммадбекнинг ўғиллари талаганликлари ҳақида хабар келди. Элчилар бундан ваҳимага тушиб, аксар кунларда//ёмғир ва дўл ёғиб турганлигига қарамай, дараю тоғлардан суръат билан ўтдилар ва ойнинг охирида (11 июль, 1420) Турфон

шаҳрига етдилар. Бу шаҳарда кўпчилик бутпараст бўлиб, катта бир бутхоналари бор экан<sup>1</sup>.

Хорижий элчиларни иззат-икром билан қабул қилиш анъанаси Амир Темурдан кейин унинг авлодлари салтанатида ҳам сақланиб қолган. Тарихчи Абдураззоқ Са-марқандий Ҳирот шаҳрида 1413 йили Хитой элчиларининг кутиб олиниши ҳақида, жумладан, шундай ёзади: «Шу орада Хитой вилоятидан, у мам-лакатларнинг Чину Мочин подшоҳи Дой-Минг хон тарафидан элчилар етиб келди. (Ҳокони саъид Шоҳрух томонидан) «ша-ҳар бозорларига зийнат берилсин, ҳар бир санъат эгаси ўз ҳунарини тўла зоҳир қилиб дўконини безатсин», деган ҳумоюн фармон содир бўлди» (бу маълумотни юқорида ҳам берган эдик).

Хулоса қилиб айтганда, Соҳибқирон Амир Темур салтанатида XIV асрнинг охириги ўн йиллигидан бошлаб ва Шоҳрух ҳукмдорлиги даврида (XV асрнинг бирин-чи ярмида) Хитой билан мунтазам савдо-элчилик муносабатлари мавжуд бўлган. Карвонлар қатнаб турган савдо йўллари эса қадимги Буюк Ипак йўли тармоқлари билан мос тушади.

Бу халқаро савдо йўли нафақат Мова-роуннаҳр билан Хитой оралиғида, балки ғарбга ҳам давом этиб, жанубий йўналиш орқали то Ўрта денгиз ва Мисргача етиб борган. Савдо карвонларининг ана шу кейинги йўналишдаги қатнови Амир Темурнинг етти йиллик (1399 — 1404) ғарбий юришидан сўнг йўлга қўйилган.

---

<sup>1</sup> Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Фан.1969. Б. 306

## Хулоса

XIV асрнинг 80-йилларидан бошлаб Амир Темур давлати худуди Эрон бўйлаб ғарбтомон кенгайиб бора бошлади. Амир Темурнинг Қора ва Ўрта ер денгизи соҳиллари томон яқинлашиб бориши бирданига бир неча давлатнинг каттик қаршилигига дуч келди. Бу давлатлар сифатида Олтин Ўрда, Усмонли турклар давлати ва Миср мамлуклари давлатларини тилга олиш мумкин. Шу давлатлардан бири Миср билан алоқалар бўйича қуйидаги асосий хулосаларни таъкидламоқчимиз:

- Олтин Ўрда, Усмонли турклар давлати ва Миср мамлуклари давлатлари Амир Темур давлати чегараларини Европага олиб борувчи сув йўлларига етиб келишини ва ўзларининг бу борадаги воситичилик мавқеларидан ажралиб қолишларини истамас эдилар.
- XIV аср охирида вужудга келган муайян халқаро вазият туфайли Осиё, қисман Африка ва Европа худудида Усмонли Туркия, Амир Темур давлати, Миср мамлуклар салтанати ва Олтин Ўрда каби қудратли давлатлар сифатида сиёсий майдонга чиқди.
- 1382 йили Мисрда ҳокимият тепасига келган Султон аз-Зоҳир Барқуқ бошлиқ черкас мамлуклари давлати таркибига кирган Сурия, уларга тобеъ Ироқ ва муқаддас саждагоҳлар макони Ҳижоз билан биргаликда қудратли кучга айланган бўлиб Шарқдаги қўшни мамлакатлар учун ҳимоя вазифасини ҳам ўтарди.
- Марказий Осиёда Амир Темур марказлашган йирик давлат тузиб, унинг ғарбий сарҳадларида нуфузи ошаборгач, Миср мамлуклар салтанатига кўп қўшнилар мурожаат қилиб, ёрдам сўрай бошладилар. Масалан, Синжар, Қайсария ва Такрийт ҳокимлари 1383 йили Миср Султониغا мактуб йўллаб, хутбани

унинг номи билан ўқиганларини билдирганларида Султон Барқуқ дарҳол уларни ўз ноиблари этиб тайинлади.

- Юқоридаги воқеаларнинг Амир Темурнинг баъзи араб мамлакатлари ҳудудларида пайдо бўлиши билан бир вақтда тўғри келиши фикрларимиз учун асос бўла олади
- Тадқиқотларимиз Миср давлати Амир Темур давлатига қарши кучли ҳарбий иттифоқни тузиш учун бир мунча ташаббус кўрсатганлигини, у амалий самара бермаганлигини очиб берди
- Тадқиқотимизда Миср ҳукмдорлари дипломатия қонун қоидаларига амал қилмаганликлари, Амир Темур элчиларини кўп бора хоинона қатл этганликларини тасдиқлади
- Тадқиқотимизда Амир Темурнинг моҳир сиёсий арбоб ва дипломат эканлиги яна бир бор ўз аксини топди.
- Амир Темур даврида олиб борилган дипломатик ва сиёсий – ҳарбий муносабатларнинг якунида Миср султонлари Амир Темур давлатининг вассалига айланганлигини тан олишга мажбур бўлганликларини, Амир Темур номини хутбага киритиб, унинг номидан танга зарб этиш йўлга қўйилганлиги кўрсатиб берилди.
- Амир Темур вафотидан сўнг унинг ўғиллари ва набиралари ўртасида бошланган тахт учун кураш оқибатида мамлакатда парокандалик рўй берди. Шундай вазиятда Шохрух дастлаб Ҳирот, Хуросон ва Мозандаронда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди. Сўнг Халил Султондан Мовароуннаҳрни қайтариб олиб, у ерга ўғли Улуғбекни ҳоким қилиб тайинлади.
- Шохрухнинг (1405—1447) фаол ташқи сиёсати натижасида давлат сарҳадлари кенгайиб, тез орада у Мовароуннаҳр ва Форс ерларини ҳам тўлиғича ўз тасарруфига олди. Қора кўюнли давлати Шохрухга жузья тўлай бошлади. Кермон ҳам тобелигини эътироф этди.

- Юқоридагилар натижасида Шохрух давлати яна Амир Темур давридаги каби Миср ва Сурияни ўз ичига олган мамлуқлар салтанати билан чегарадош бўлиб қолди.
- Аслини олганда, Шохрух давлати ва Миср мамлуқлар султонлиги ўртасидаги бу кураш ва рақобат замирида Фрот дарёсининг юқори оқимида, яъни ҳозирги Ироқнинг шимоли ва Суриянинг шимоли-шарқида ҳукмронлик ўрнатиш мақсади ётарди.
- “Шохрух қисваси” масаласи аслида икки муқаддас шаҳарга давогарлик қилиш, ўзларини ислом оламини энг кучли ҳукмдори сифатида кўрсатиш масаласи эди.
- “Шохрух қисваси” масаласида Миср султонлари дастлаб ҳеч қандай ён бермаган бўлса-да, Шохрух мирзонинг дипломатик таъйиқлари натижасида ўз фикрларидан қайтишга мажбур бўлишади. Бу Шохрух мирзо дипломатиясининг ютуғи эди.
- Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, бир томондан, Марказий Осиё ва Миср ўртасида XV асрда жўшқин дипломатик алоқалар мавжуд бўлганидан далолат берса, иккинчи томондан, Амир Темур давридан бевосита кейин ҳам Шохрух мисолида Марказий Осиё ҳокимлари мусулмон дунёсида кўзга кўринган мавқе, қолаверса, умумий парокандалик шароитида ҳатто раҳнамоликка даъвогар бўлганлигини аниқ исботлаб беради.
- Умуман олганда, шуни айтиш мумкинки, Темурийлар ва Миср давлатлари ўртасидаги алоқалар тўрт босқичга бўлинади.
- Биринчи, Амир Темур ва Миср давлати ўртасидаги алоқаларнинг бошланиши, Миср султонларини Амир Темур муносабатларига салбий муносабатда бўлишлари даври
- Иккинчи, Амир Темур ва Миср давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви ҳамда Амир Темур томонидан

Мисрга тегишли Олд Осиё худудларининг эгалланиши,  
Мисрнинг Амир Темур давлатига тобеъ бўлиши даври

- Учинчи, Шоҳруҳ мирзо ва Миср давлатлари ўртасидаги муносабатларда кескинлик даври. “Шоҳруҳ қисваси” масаласининг пайдо бўлиши даври
- Тўртинчи, Шоҳруҳ мирзо ва Миср давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг юмшатилиши ва “Шоҳруҳ қисваси” масаласининг ижобий ҳал этилиши даври
- Ўлкаларнинг мустақил бўлиб боришиши, тўрт улус ўртасидаги ва ҳар бир улуснинг ўз ичидаги ўзаро низолар ва урушлар алоқаларнинг ривожланиб боришига салбий таъсир қилди. Мўғул улусларининг кучсизланиб бориши ўша худудларнинг маҳаллий аҳолисининг ўз давлатчилигини тиклаш эҳтиёжининг ошиб бориши билан бир вақтда кечди. Деярли бир вақтда Ўрта Осиёда Амир Темур давлати (1370 йил), Хитойда эса мустақил Мин сулоласи (1368 йил) пайдо бўлди.
- Мустақил давлатларнинг ташкил топиши ва уларнинг ўз мустақилликларини мустаҳкамлаш билан банд бўлиши ўзаро алоқаларнинг тезда ривожланиб кетишига тўсқинлик қилди. 14 аср охирига келиб эса гарчи ўзаро дипломатик алоқалар йўлга қўйилган бўлса-да, муносабатларни жуда яхши эди дейиш қийин эди. Бунинг асосий сабаби сифатида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин: Улуғ мўғул улуси таркибига Хитойнинг кирганлиги ва Хитой мўғул ҳукмдорлари кейинчалик улуғ мўғул улусининг ҳукмдори ҳам ҳисоблангани эди. Шундан келиб чиқиб, Хитой ҳукмдорлари Улуғ мўғул улусига қарам бўлган бошқа улуслар Хитойга бўйсунуши керак, деб ҳисоблардилар. Бизнингча, баъзи манбалардаги Самарқандга келган Хитой элчиларининг Амир Темурдан Хитойга ўлпон юбориб туришни талаб қилишининг ҳуқуқий асоси мана шу эди.

- Лекин Амир Темур Хитойдаги Мин сулоласини Мўғул давлатининг вориси сифатида тан олмас эди. Чунки, Амир Темур ўзи ташкил этаётган давлатни Мўғул давлатининг вориси деб ҳисоблар эди. Айнан ворислик ҳуқуқини исботи сифатида Амир Темур тахтда доимо “кўғирчоқ” мўғул хонларини сақлаб келар, ҳатто вафот этганларини ҳам тахтдан туширмаган эди. Биз бу ерда 1402 кўғирчоқ хон Султон Маҳмуд вафот этган бўлса-да, кейин ҳам унинг номидан тангалар зарб этилаверганлигини ҳисобга олаяпмиз. Ворислик ҳуқуқи Амир Темурга мўғул давлатига кирга барча ерларни, жумладан Хитойни ҳам ўзига бўйсундириш учун ҳуқуқий асос берар эди. Ҳар икки янги ташкил топган давлатларнинг бир-бирини бўйсундиришга интилиши, Амир Темурнинг Хитойга ҳужум қилиш учун юриш бошлаганлиги ўзаро алоқаларни нисбатан олганда бузилишига олиб келди.
- Амир Темурнинг ўз элчиларини илк бор Хитойга қачон жўнатганлиги, Хитой элчиларининг Самарқандда қанча муддатда тутиб қолинганлиги каби бир неча масалаларнинг аниқ жавобини топиш учун Хитой манбаларини ҳам чуқур ўрганиб, маълум бир илмий хулоса чиқариш зурур.
- Амир Темур вафотидан сўнг ўзаро муносабатларнинг ривожланиб кетиши, бир неча фаразларни вужудга келтиради. Агар тарихий манбалардаги Хитой давлатининг Амир Темурдан ўлпон талаб қилганлиги тўла ҳақиқат бўлса, нима учун Амир Темур вафотидан кейин Шохруҳга жўнатилган мактубларда бундай талаблар йўқ. Демак, Амир Темурнинг Хитойга юриш бошлаши, гарчи бу юриш амалга ошмаган бўлса-да, Хитой ҳукуматининг ташқи сиёсатига катта таъсир қилган, яъни темурийлар давлатига бундай талаб билан чиқишнинг оқибати яхши бўлмаслигига амин бўлинган. Бу ерда яна Хитой

давлатининг ташқи сиёсатида бу вақтга келиб янги йўналишлар пайдо бўлганлигини ҳам фараз қилиш мумкин.

- Амир Темур вафотидан сўнг келган биринчи элчиликни расман Амир Темур вафоти муносабати билан таъзия изҳор этиш учун келганлиги таъкидлансада, асосий мақсад темурийлар давлатининг ички ҳолатини ўрганиш бўлганлигини айтиш мумкин. Бу вақтда темурийлар давлатида ўзаро ички урушлар тўла якунига етмаганлигидан Хитой ҳукумати ўзига хос хулоса чиқарганлиги 2-элчиликда яққол сезилади.
- Хитой ҳукуматининг навбатдаги, Шохруҳ Мирзога жўнатилган 2-элчиликда Хитой ҳукмдорининг Халил Султон масаласида темурий ҳукмдорга маслаҳат бериши ва насихат қилиши юқоридаги фикрнинг исботидир.
- Албатта, Шохруҳ Мирзо бу насихатни жавобсиз қолдирмади. Жавоб мактубида Шохруҳ Хитой ҳукмдорини ислом динини қабул қилишга чиқирди. Бу ўзига хос жавоб юриши бўлиб, барча темурийларни ўз атрофида бирлаштиришга эришган Шохруҳ Мирзо шундай насихат қилишга ўзини ҳаҳли деб билди.
- Юқоридаги дипломатик юришлардан сўнг, Хитой ҳукумати муносабатларни тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш фойдали эканлигини англаб етди. Навбатдаги элчиликларда ўзаро ҳурмат ва дўстликни таъминлаш биринчи даражали мақсадга айланди.
- Темурийлар давлати ҳам ўзаро алоқаларни дўстлик руҳида ривожланишидан манфаатдор эди ва Хитой ўзларининг йирик элчихоналарини жўнатдилар. Бу элчилик алмашинувлари натижасида муҳим тарихий манбалардан бири “Хитой сафарномаси” пайдо бўлди.

- Асосий хулоса ва ундан келиб чиқадиган таклифлар эса қуйидагилардан иборатдир:
- Дастлаб ҳар икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқалар бирмунча совуқроқ бўлиб, бу ҳар икки давлатнинг ташқи сиёсий мақсадлари билан боғлиқ эди.
- Шохруҳ мирзо даврида ҳар икки томоннинг дипломатик муносабатлари илиқлашиб, дўстона алоқалар ривожланди. Буни бундай алоқалар ўзаро манфаатли эканлиги ва ҳар икки ўзларининг аввалги ташқи сиёсий мақсадларидан воз кечганлиги билан изоҳлаш мумкин
- Бу мавзуни янада чуқурроқ ва аниқроқ ўрганиш учун келажакдаги тадқиқотларга хитой манбаларини ҳам жалб этиш зарур.

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юсак маънавият -енгилмас куч – Т.:Маънавият. 2008
2. Каримов И.А. Адолат ва кудрат тимсоли. 1996 йил 18 октябр // Янгича фикрлаш ва ишлаш- давр талаби. Ж. 5. -Т., 1996. - Б. 179 -181.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихчи олим ва журналистлар билан суҳбат.//Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Ж.7.–Т., 1999. - Б. 132-155.
4. Бизнинг олий мақсадимиз - Ватан озодлиги ва равнақи, халқ озодлиги ва фаровонлиги. Президент И. Каримовнинг II чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессиясида қилган маорузаси // Халқ сўзи. - 2000. - 23 янв.
4. Каримов И.А. Миллий мафкура келажак асосида// Халқ сўзи. - 2000 .- 7 апр.
5. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. Президент И. Каримовнинг “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавоби // Фидокор. - 2000. - 8 июнр.
6. Абдурраззоқ Самарқандий. Матлаҳ ус-сахдайн ва мажмаҳ ул-бахрайн. / Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар тарих фанлар номзоди А. Ўринбоевники. -Т.: ФАН. 1969. - 463 б.
7. Автор XV в. о самаркандских событиях 1365 г. // Гуревич А.М. О классовой борьбе в Самарканде в 1365-66 гг. – Т., 1936. С. 10-24.
8. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида: (Рисола) /Б.Аҳмедов, У.Уватов, И.Каримов ва бошқалар. -Т.: Ўқитувчи, 1996. - 312 б.
9. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи /Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У.Уватов тайёрлаган. Маҳсул муҳаррир А.Ўринбоев. -Т.: Меҳнат, 1992. 1-к. - 328, 2- к. -192 б.
10. Низомиддин Шомий. Зафарнома/Форс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масхул муҳаррир – А. Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов

- (жуғрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники). Ҳофизи Абрунинг «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и – («Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳлари тузувчи – О. Бўриев. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 528 б.
11. Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи. / Пер. предис. примеч. и указатели Д. Ю. Юсуповой. – Т.: Фан, 1980.- 346 с.
  12. История монголов от древнейших времён до Тамерлана. Перевод В.В. Григорьева. -СПб., 1834. 158 с.
  13. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннахр воқеалари. 1360-1370. /Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Омонullo Бўриев. Масхул муҳаррир, сўз боши муаллифи ва нашрга тайёрловчи Асомиддин Ўринбоев. -Т.: Камалак, 1994.- 288 б.
  14. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. /Сўз боши, тадбир, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков.- Т.: Шарқ, 1997. - 384 б.
  15. Амир Темур жаҳон тарихида.-Т.: Шарқ, 1996. - 295 б.
  16. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. -Т.: Ўқитувчи, 1994.- 432 б.
  17. Аҳмедов Б. Амир Темур. -Т.: Мерос, 1995. - 640 б.
  18. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. -Т.: Ўзбекистон, 1996.- 368 б.
  19. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур. – Т.: Нур, 1996.
  20. Бартольд В.В. Сочинения. Т. II. Ч. 1. Общественные работы по истории Средней Азии. Работы по истории Кавказа и Восточной Европы. М.: Изд. Вост. лит., 1963. – 1020 с.
  21. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. -Т.: Шарқ Баёзи, 1993. - 104 б.
  22. Ленобль Г. Тимур и Сарбадоры // Литературная газета. – 1959. - 11 авг.
  23. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. - Т.: Фан, 1993. - 56 б.
  24. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. -Т.: Қомус, 1996. -128 б.

25. Новосельцев А.П. Об исторической оценке Тимура // Вопросы истории. 1973.- № 2. - С.3-20
26. Набиев Р.Н. XIV асрда Ўрта Осиёда сарбадорлар кўзғолони. -Т/3 фан нашр, 1942. – 43 б.
27. Петрушевский. И. П. Движение сарбедаров в Хорасане // Ученке записки Института востоковедения АН. СССР. Т. XIV. -М., 1956. – С. 91 – 162.
28. Самарқанд тарихи 2 томлик. Т.1. Қадимги даврлардан то Октябрь социалистик революциясигача. Т.: Фан. 1971. - 482 б.
29. Строева Л.В. Сербедары Самарканда.// Уч. Зап. ЛГУ. Серия востоковедческих наук. - Л., 1949. - Вкп 98.- С.64-87.
30. Строева Л. В. Возникновение государства Тимура // Уч. ЛГУ. Серия востоковедческих наук. - Л., 1952. - Вкп 3. - № 128.- С.64-87.
31. Тамерлан. Эпоха. Личность. Деяния. / Составление, обработка и подготовка текста. Р. Рахмонолиева. -М.: Гураш, 1992. - 544 с.
32. Темур ва Улуғбек даври тарихи. -Т.: Қомус, 1996. - 264 б.
33. Якубовский А.Ю. Тимур (Опт краткой характеристики) // Вопросы истории. 1946. - № 8-9. - С 42-74.
34. Якубовский А.Ю. Государства Тимура.// История Узбекской ССР. Т. 1, Кн. 1. - Т., 1955. - С. 313-334.
35. Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Ҳ. Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б. Аҳмедов ва бошқ. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. - Т.: Шарқ, 2001. Б. 113-121
36. Хасанов А.А. Из истории дипломатических отношений Средней Азии с Европой в конце XIV - начале XV вв. // Востоковедение. Сборник научных трудов ТашГУ.. № 589. Ташкент, 1981. С. 126